



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2017 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ



**ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ
БАНКИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ
2017 ЙИЛДАГИ
ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА
ҲИСОБОТ**

**Тошкент
2018 й.**

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	5
I. 2017 ЙИЛДА ИҚТИСОДИЁТНИНГ РИВОЖЛАНИШИ	7
1.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ташқи ва ички омиллари	7
1.2. Иқтисодий фаоллик ва иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичлари	9
1.3. Ташқи иқтисодий фаолият	12
1.4. Инфляция динамикаси	14
II. БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ	17
2.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари	17
2.2. Тижорат банкларининг иқтисодиётни кредитлаш бўйича фаолияти	26
2.3. Банк тизими инфратузилмаси	31
2.3.1. Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти	32
2.3.2. Гаров реестри тизими фаолияти	36
2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими	37
2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари	38
III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ	40
3.1. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида олиб борилган ишлар	40
3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва амалга оширилган чоралар	40
3.1.2. Пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши динамикаси	42
3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш	45
3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили	50
3.2. Нақд пул муомаласини ташкил этиш	51
3.3. Валюта сиёсати	58
3.3.1. Валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар	58
3.3.2. Валюта бозоридаги операциялар таҳлили	62
3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	66
3.4.1. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш	67
3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш	70
3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш	71
3.5.1. Банклараро электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ривожланиши	72
3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили	74
3.5.3. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг ривожланиши	77

3.6. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш	79
3.7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш	81
3.8. Банк қонунчилигини такомиллаштириш	83
3.9. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш	85
IV. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК	89
V. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ	93
5.1. Ташкилий тузилма	93
5.2. Ходимлар билан ишлаш тизими	93
5.3. Ички аудит фаолияти	96
VI. ИЛОВАЛАР	98-125

КИРИШ

2017 йил Марказий банк учун 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган иқтисодий ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари доирасида Марказий банк ва, умуман банк тизими фаолиятида туб ўзгаришлар йили бўлди.

Банк тизимидаги ислохотларни амалга оширишда асосий эътибор илғор халқаро тажриба асосида пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш, валютани тартибга солишда бозор механизмларини жорий қилиш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини мустаҳкамлаш бўйича белгиланган вазифаларнинг сифатли ижро этилишини таъминлашга қаратилди.

2017 йилда валюта сиёсати ва бозорини либераллаштириш бўйича амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар шубҳасиз пул-кредит соҳасидаги ислохотларнинг энг муҳимларидан бири бўлди.

2017 йилнинг биринчи ярми давомида Марказий банк ва республика Ҳукумати томонидан валюта сиёсатини либераллаштириш учун кенг қамровли тайёргарлик ишлари кўрилди. Хусусан, мазкур тайёргарлик ишлари доирасида барча тижорат банкларининг ликвидлик ҳолати ва молиявий барқарорлиги стресс-тестдан ўтказилди ҳамда стресс-тест натижаларидан келиб чиқиб, банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигига қўйилган талаблар янада кучайтирилди.

2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб эса миллий валюта курсини иқтисодийда чет эл валютасига бўлган талаб ва тақлифга асосан белгилаш механизми жорий қилинди ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари томонидан чет эл валюталарининг сотилиши, сотиб олиниши ва тасарруф қилиниши борасидаги аввал мавжуд бўлган чекловлар бекор қилинди.

Валюта сиёсати соҳасидаги ислохотлар, ўз навбатида, мамлакатимиз экспортининг рақобатбардошлигини ва экспорт ҳажмларининг кўпайишини қўллаб-қувватловчи омиллардан бири бўлди.

Ҳисобот йили давомида пул-кредит сиёсатини амалга оширишда асосий эътибор, пул массаси ҳажмининг ўсиш суръатларини мўътадиллаштириш орқали иқтисодийдаги инфляцион босимни пасайтириш ҳамда валюта сиёсатини либераллаштириш жараёнидаги инфляцион хатарларнинг олдини олиш вазифаларига қаратилди.

Хусусан, 2017 йилнинг июнь ойида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 9 фоиздан 14 фоизгача оширилиши ҳамда ҳисобот йили давомида банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигига қўйилган талабларнинг янада кучайтирилиши қисқа муддат ичида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг ҳамда пул массасининг ўсиш суръатларини мўътадиллаштириш имконини берди.

Шунингдек, 2017-2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси тасдиқланиб, унга мувофиқ ўрта муддатли истиқболда ривожланган давлатларда кенг қўлланилаётган инфляцион таргетлаш режимига босқичма-босқич ўтиш бўйича ишлар бошлаб юборилди.

Бундан ташқари, 2017 йилда Марказий банк томонидан иқтисодиётда нақд пул муомаласини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмаси кескин қисқартирилди ҳамда аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ижобий натижаларга эришилди.

Шу билан бирга, муомаладаги нақд пул таркибини оптималлаштириш ва аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида 10 000 (ўн минг) сўмлик ва 50 000 (эллик минг) сўмлик банкнотлар муомалага чиқарилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда республикамизда нақд пул таъминоти борасида шаклланган мураккаб вазиятга деярли тўлиқ барҳам берилди.

2017 йилда «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси»га мувофиқ Марказий банк ташкилий тузилмаси ва унинг таркибий бўлинмаларига юклатилган вазифа ва функциялар қайта кўриб чиқилди.

Марказий банк олдида турган муҳим вазифалардан ва халқаро тажрибадан келиб чиқиб банк ташкилий тузилмасида янги таркибий бўлинмалар, шу жумладан, Кредит ташкилотлари пруденциал назорати, Пул-кредит сиёсати, Статистика ва тадқиқотлар, Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар департаментлари ҳамда Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди.

Мазкур ҳисоботда юқорида қайд этилган ва банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган бошқа чора-тадбирлар ҳамда Марказий банкка амалдаги қонунчиликка мувофиқ юклатилган вазифаларнинг ижроси тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилган.

I. 2017 йилда иқтисодиётнинг ривожланиши

1.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишининг ташқи ва ички омиллари

Ҳисобот йили давомида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, иқтисодиётни либераллаштириш ва унинг барқарор юқори суръатларда ривожланишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ўсишда давом этишини таъминлади.

Хусусан, 2017 йилда жаҳон миқёсида иқтисодий фаолликнинг кучайиши натижасида халқаро савдо ҳажмларининг ортиши ҳамда жаҳон бозорларида республикамиз асосий экспорт товарлари нархларининг ошиши мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатди.

Халқаро валюта фондининг 2018 йил январь ойида эълон қилинган жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш истиқболлари бўйича қайта кўриб чиқилган ҳисоб-китобларига кўра, 2017 йил якуни бўйича жаҳон иқтисодиётининг ўсиш суръати 3,7 фоизни ташкил қилиб, 2016 йилга (3,2 фоиз) нисбатан 0,5 фоиз бандга юқорироқ бўлди.

Бунда иқтисодий ўсиш суръатларининг 2016 йилга нисбатан тезлашиши дунёнинг 120 та мамлакатада кузатилган бўлиб, уларнинг ҳиссасига жаҳон ялпи ички маҳсулотининг қарийб 75 фоизи тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, бундай кенг қамровли иқтисодий ўсиш жаҳон иқтисодиётида 2010 йилдан бери биринчи мартаба кузатилди.

2017 йилда Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкорлари ҳисобланган давлатлар иқтисодиётида ҳам ўсиш суръатларининг 2016 йилга нисбатан юқори бўлиши мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларга ташқи талабнинг ошишига хизмат қилди.

Ҳисобот йили давомида нефть ишлаб чиқариш ҳажмини чегаралаш бўйича келишувнинг узайтирилиши ва Яқин Шарқда геосиёсий тангликнинг сақланиб туриши сабабли жаҳон бозорида «Брент» маркали нефть нархи 2016 йилга нисбатан 20,5 фоизга ошди. Мазкур омил Россия иқтисодиётининг 2016 йилдаги 0,2 фоизлик пасайишидан сўнг, 2017 йилда 1,5 фоизга ўсишида муҳим роль ўйнади.

Қозоғистонда ҳам 2017 йил якуни бўйича иқтисодий ўсиш суръати 2016 йилга (1,1 фоизлик ўсиш) нисбатан сезиларли даражада жадаллашиб, 4,0 фоизни ташкил этди.

Хитой экспортига ташқи талабнинг ошиши натижасида 2017 йилда мажбурий мамлакатда иқтисодий ўсиш суръати 2016 йилдаги 6,7 фоизга нисбатан бироз юқорилаб, 6,9 фоизга етди.

Шунингдек, иқтисодий ўсиш суръатлари Туркияда 3,2 фоиздан 5,1 фоизгача, республикамизга қўшни бўлган ва бугунги кунда ўзаро иқтисодий алоқалар жадал ривожлантириб борилаётган Тожикистонда 6,9 фоиздан 7,1 фоизгача, Туркменистонда 6,2 фоиздан 6,5 фоизгача, Қирғизистонда 3,8 фоиздан 4,5 фоизгача ҳамда Афғонистонда 2,2 фоиздан 2,6 фоизгача кўтарилди.

Бундан ташқари, ҳисобот йилида жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий экспорт маҳсулотлари қаторига кирувчи олтин нархининг 12 фоизга, мис нархининг 20,7 фоизга ва пахта нархининг 12,8 фоизга ўсиши республикамизнинг ташқи иқтисодий фаолиятдан оладиган даромадларининг ошишини таъминлаб, иқтисодий ўсиш суръатларининг юқори бўлишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йилда республикамиз учун қулай ташқи иқтисодий шарт-шароитларнинг шаклланиши иқтисодий ўсиш жараёнларига ижобий ҳисса қўшган бўлса-да, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсиши асосан ички омиллар ҳисобига таъминланди.

2017 йил республикамизда барча соҳаларда кенг қамровли ўзгаришлар ва фаол ислохотлар янги даврининг бошланиш йили бўлди. Хусусан, ҳисобот йили давомида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича ишларнинг фаоллаштирилиши иқтисодий ўсишнинг юқори даражада бўлишида муҳим роль ўйнади.

Шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида кўп қаватли уй-жойларни, намунали лойиҳалар бўйича шахсий уй-жойларни, муҳандислик коммуникация тармоқлари ҳамда ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳажмларининг сезиларли даражада оширилиши ялпи талабнинг ўсишини қўллаб-қувватлаб, иқтисодиётда маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш ҳажмларининг юқори суръатларда ўсишига хизмат қилди.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муносабати билан миллий валюта айирбошлаш курсининг кескин пасайиши, ташқи савдо фаолиятининг босқичма-босқич эркинлаштирилиши, қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг кенгайтирилиши ҳамда экспортни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган ишлар товар ва хизматлар экспорти ўсишини ва шу орқали реал сектордаги иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватловчи омиллардан бири бўлди.

Ўз навбатида, валюта бозори либераллаштирилгандан кейинги даврда Марказий банк пул-кредит сиёсатининг фаоллашиши ва самарадорлигининг ошиши, шу жумладан, тижорат банклари ликвидлигини иқтисодиётнинг кредит маблағларига бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжга мос равишда ошириш бўйича чора-тадбирларнинг кўрилиши ҳисобот йилида иқтисодиётнинг ривожланишига ижобий ҳисса қўшди.

1.2. Иқтисодий фаоллик ва иқтисодиётнинг ўсиш кўрсаткичлари

Ҳисобот йили давомида республикамиз иқтисодиёти учун ташқи ва ички омилларнинг ижобий шаклланиши натижасида иқтисодиётнинг барча тармоқларида иқтисодий ва инвестициявий фаолликнинг барқарор ошиши кузатилди.

2017 йил якуни бўйича мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг (ЯИМ) реал ўсиш суръати 5,3 фоизни, унинг номинал ҳажми эса 249,1 трлн. сўмни ташкил этди. ЯИМнинг аҳоли жон бошига ҳисобланган миқдори эса 2016 йилга нисбатан реал ҳисобда 3,6 фоизга ўсиб, 7 692 минг сўмни ташкил этди.

1.2.1-жадвал

Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар (2017 йил январь-декабрь)

Кўрсаткичлар	Млрд. сўмда	2016 йилга нисбатан (фоизда)
Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	249 136,4	105,3
ЯИМ дефлятори	х	118,9
Саноат маҳсулотлари ҳажми	144 185,3	107,0
Истеъмол товарлари ҳажми	56 159,4	102,7
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми	69 504,2	102,0
Хизматлар ҳажми	116 795,7	108,9
Асосий капиталга инвестициялар ҳажми	60 719,2	107,1
Капитал қурилиш ҳажми	34 060,8	105,6
Чакана савдо айланмаси	105 767,8	102,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ҳисобот йилида маҳсулот ишлаб чиқариш (хизматлар кўрсатиш) ҳажмлари ўсиши саноатда 7,0 фоизни, қурилиш соҳасида 5,6 фоизни, хизмат кўрсатиш соҳасида 8,9 фоизни ва қишлоқ хўжалигида 2,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилда иқтисодийнинг барча тармоқлари томонидан яратилган ялпи қўшилган қиймат ҳажми ЯИМ ҳажмининг 89,8 фоизини (ЯИМ ўсишига ҳиссаси 4,8 фоиз банд), товарларга соф солиқларнинг ЯИМ таркибидаги улуши эса 10,2 фоизни (ЯИМ ўсишига ҳиссаси 0,5 фоиз банд) ташкил этди.

Иқтисодийда яратилган ялпи қўшилган қиймат ўсишининг тармоқлар кесимидаги таҳлили ялпи ички маҳсулот, унинг 5,3 фоизлик ўсишининг шаклланишида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши энг юқори бўлганлигини (3,4 фоиз банд ёки жами ЯИМ ўсишининг 64 фоизи) кўрсатмоқда.

1.2.2-жадвал

Ялпи ички маҳсулотнинг иқтисодий фаолият тури бўйича шаклланиши

Кўрсаткичлар	Млрд. сўмда		2016 йилга нисбатан ўсиш, фоизда	ЯИМ ўсишида тармоқлар ҳиссаси, фоизда
	2016 йил	2017 йил		
I. Ялпи ички маҳсулот, жами	198 871,6	249 136,4	105,3	5,3
<i>жумладан:</i>				
Ишлаб чиқариш тармоқларининг жами қўшилган қиймати	178 053,1	223 829,8	105,3	4,8
Маҳсулотларга соф солиқлар	20 818,5	25 306,6	105,3	0,5
II. Тармоқларнинг жами қўшилган қиймати	178 053,1	223 829,8	105,3	5,3
Қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, балиқчилик	32 276,8	43 149,8	102,0	0,4
Саноат (қурилиш соҳаси билан биргаликда)	58 546,0	74 876,1	104,8	1,5
саноат	45 398,0	59 650,9	104,6	1,1
қурилиш	13 148,0	15 225,2	105,6	0,4
Хизматлар	87 230,3	105 803,9	106,9	3,4
савдо, овқатланиш ва турар жой хизматлари	19 833,2	25 773,9	103,9	0,4
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	21 113,0	24 553,2	108,9	1,1
бошқа хизмат соҳалари	46 284,1	55 476,8	107,3	1,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

2017 йилда саноатда қўшилган қиймат ҳажмининг 4,6 фоизга ўсиши, ўз навбатида, ЯИМнинг 1,1 фоиз бандга (жами ЯИМ ўсишининг 20,8 фоизи) ўсишини таъминлади. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмининг ўсиши асосан тоғ-кон ва қайта ишлаш саноати тармоқларидаги юқори ўсиш суръатлари ҳисобига шаклланди.

Шу билан бирга, қишлоқ, ўрмон ва сув хўжалиги ҳамда қурилиш соҳасида яратилган қўшилган қиймат ҳажмининг мос равишда 2 фоиз ва 5,6 фоизга ўсишининг ЯИМ ўсишидаги хиссаси, мазкур тармоқларнинг ҳар бири бўйича 0,4 фоиз бандни ташкил қилди.

2017 йил якуни бўйича ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 47,3 фоизни, саноатнинг улуши 26,7 фоизни ҳамда қишлоқ, ўрмон ва сув хўжалиги соҳаси улуши 19,2 фоизни ташкил этди.

Бунда ЯИМнинг юқори суръатда ўсишида асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажмининг 2016 йилга нисбатан 7,1 фоизга ошиши ҳам муҳим роль ўйнади.

Хусусан, 2017 йилда республикамиз иқтисодиётида барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ўзлаштирилган инвестициялар ҳажми 60,7 трлн. сўмни ёки 11,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Унинг ЯИМдаги улуши эса 2016 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 0,2 фоиз бандга ошиб, 24,4 фоизни ташкил этди.

Бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестицияларнинг 60,3 фоизи қурилиш-монтаж ишларига ҳамда 31,5 фоизи машина ва ускуналарни харид қилишга йўналтирилган.

Жами инвестицияларнинг 43,9 фоизи корхона ва аҳолининг ўз маблағлари, 26,9 фоизи хорижий инвестициялар ва кредитлар, 11,0 фоизи тижорат банклари кредитлари ва бошқа қарз маблағлари, 8,5 фоизи Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари, 5,5 фоизи давлат бюджети ҳамда 3,9 фоизи давлат мақсадли жамғармалари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.

2017 йилда ўзлаштирилган жами хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 3 184,6 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан тўғридан-тўғри ва бошқа хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми 2 420,4 млн. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2,4 фоизга камайган.

1.2.1-чизма



Бундан ташқари, ҳисобот йилида ЯИМнинг юқори суръатда ўсишида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида меҳнат унумдорлигининг 2016 йилга нисбатан 5,6 фоизга ошиши муҳим омиллардан бири бўлди.

Шунингдек, 2017 йил якуни бўйича ЯИМ ҳажми реал ўсишининг юқори бўлишига мамлакат ташқи савдо балансининг ижобий сальдо билан ижро этилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатди.

1.3. Ташқи иқтисодий фаолият


Жаҳон бозорларида Ўзбекистоннинг асосий экспорт товарлари қаторига кирувчи ёқилғи, қимматбаҳо ва рангли металллар ҳамда пахта нархининг ошиши, шунингдек, асосий импорт қилинадиган айрим озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг пасайиши республикамиз ташқи савдо балансининг ижобий шаклланишига хизмат қилди.

2017 йил якуни бўйича Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси 2016 йилга нисбатан 11,0 фоизга ошиб, 26,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Бунда товар ва хизматлар экспорти ҳажми 14,9 фоизга ошиб, 13,9 млрд. АҚШ долларини, импорт ҳажми 7,2 фоизга ошиб, 13,0 млрд. АҚШ долларини, ташқи савдо айланмаси ижобий сальдоси эса 880,2 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Ҳисобот йилида озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 2016 йилга нисбатан 26,1 фоизга (умумий экспорт таркибидаги улуши 6,3 фоиз), энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари – 12,0 фоизга (13,8 фоиз), қора ва рангли металллар – 29,5 фоизга (6,6 фоиз), кимё маҳсулотлари – 5,0 фоизга (6,4 фоиз), машина ва ускуналар – 60,1 фоизга (2,6 фоиз) ҳамда хизматлар экспорти ҳажми 12,3 фоизга (25,2 фоиз) ўсган. Шу билан бирга, 2017 йилда пахта толаси экспортининг 25,1 фоизга (экспорт таркибидаги улуши 3,4 фоиз) пасайиши кузатилди.

1.3.1-чизма




Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Республикамизга импорт қилинадиган асосий товарлар қаторига кирувчи кимё маҳсулотлари импорти 2016 йилга нисбатан 1,4 фоизга (умумий импорт ҳажмидаги улуши – 16,5 фоиз), энергия манбалари ва нефть маҳсулотлари импорти 26,0 фоизга (5,7 фоиз), қора ва рангли металллар 38,5 фоизга (9,8 фоиз) ҳамда хизматлар импорти 20,9 фоизга (7,5 фоиз) ошган бўлса, машина ва асбоб-ускуналар импорти ҳажми деярли 2016 йил даражасида сақланиб қолди (ўсиш суръати 0,8 фоиз). Шу билан бирга, озиқ-овқат маҳсулотлари импорти 11,5 фоизга (импорт таркибидаги улуши 9,8 фоиз) камайди.

1.3.2-чизма

2017 йилда Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий ҳамкорлари билан амалга оширган экспорт-импорт операциялари, фоизда



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Ҳисобот даврида умумий экспортнинг 16,1 фоизи Хитой, 15,1 фоизи Россия Федерацияси, 7,7 фоизи Қозоғистон, 6,3 фоизи Туркия ва 4,4 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келди.

Импорт таркибида эса Хитойнинг улуши 21,0 фоизни, Россия Федерацияси – 20,8 фоизни, Корея Республикаси – 9,5 фоизни, Қозоғистон – 7,7 фоизни, Туркия – 5,2 фоизни, Германия – 4,5 фоизни ва Украинанинг улуши 1,4 фоизни ташкил этди.


1.4. Инфляция динамикаси

Ҳисобот йилида истеъмол нархлари индекси (ИНИ) бўйича ҳисобланган инфляция даражаси 14,4 фоизни ташкил этди. Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари 15,9 фоизга, ноозиқ-овқат маҳсулотлари – 16,1 фоизга ва хизматлар – 8,6 фоизга қимматлашган.

Истеъмол нархлари динамикасининг ойлар кесимидаги таҳлили 2017 йил давомида инфляция даражасининг шаклланишига озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг ўзгариши энг кўп таъсир этганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2017 йилда ноозиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиш суръати 2016 йилдаги 10,1 фоиздан ҳисобот йилда 16,1 фоизгача, озиқ-овқат маҳсулотлари нархлари ўсиш суръати эса 0,3 фоиздан 15,9 фоизгача ошган.

1.4.1-чизма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Бунда озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича нархлар даражасининг бундай ошиши асосан 2017 йил давомида тухумнинг 36,1 фоизга, гўшт маҳсулотларининг 30 фоизга, шакарнинг 28,8 фоизга, гуручнинг 16,2 фоизга, сут маҳсулотларининг 16 фоизга, ўсимлик ёғининг 15,3 фоизга, макарон маҳсулотларининг 12,6 фоизга ҳамда буғдой унининг 10,4 фоизга қимматлашиши билан изоҳланади.

1.4.2-чизма



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Таъкидлаш жоизки, ҳисобот йилида озиқ-овқат маҳсулотлари нархларининг мавсумий ўзгариш суръатлари ҳам аввалги йилларга нисбатан юқори бўлди. Жумладан, 2017 йилнинг ёз ойларида озиқ-овқат нархларининг мавсумий пасайиши 2016 йилга нисбатан сезиларли даражада паст бўлган бўлса, 2017 йилнинг куз-қиш мавсумидаги ўсиш суръатлари 2016 йил кўрсаткичларидан анча юқори бўлди.

Ўз навбатида, ноозиқ-овқат истеъмол маҳсулотларидан қурилиш материаллари, шахсий гигиена маҳсулотлари, кийим-кечак ва пойабзал нархларининг сезиларли даражада ошиши кузатилди.

Шунингдек, 2017 йил давомида ички нархлар даражасининг ошишига бир қатор номонетар омиллар, шу жумладан, 2017 йилнинг ноябрь ойида бензин ва электр энергияси нархларининг оширилиши, ташқи савдонинг эркинлаштирилиши натижасида ички нархларнинг кўшни давлатлардаги нархлар даражасига мослашиши, маҳсулотларни импорт қилишда сушт рақобат муҳити ҳамда қурилиш маҳсулотларига ички талабнинг ошиб бориши таъсир қилди.

Шу билан бирга, ўтказилган сўровлар натижалари, 2017 йилнинг декабрь ойида иш ҳақи ва ижтимоий тўловлар миқдорининг оширилиши инфляцион кутилмаларнинг ўсиши орқали иқтисодиётдаги инфляция даражасига таъсир қилганлигини кўрсатмоқда.

II. БАНК ТИЗИМИ РИВОЖЛАНИШИ

2017 йилда тижорат банклари ўз фаолиятини валюта сиёсатининг либераллаштирилиши, Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши ва банк назорати талабларининг янада кучайтирилиши, тижорат банкларига, айниқса, давлат улушига эга банкларга Ҳукумат томонидан иқтисодиётни кредитлаш бўйича вазифа ва талабларнинг кучайтирилиши шароитида олиб борилди ҳамда мазкур омиллар банк тизимининг ривожланиш кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир кўрсатди.

Ҳисобот йили давомида тижорат банклари умумий капитали 2,3 баробарга, жами активлари 2,0 баробарга, шу жумладан, кредит қўйилмалари ҳажми 2,1 баробарга ҳамда жами мажбуриятлари 1,9 баробарга, шу жумладан, жалб қилинган депозитлар ҳажми 1,6 баробарга ошди. Мазкур юқори ўсиш кўрсаткичларининг шаклланишига миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши жиддий таъсир қилган бўлса-да, банк тизими ўсиш кўрсаткичларининг реал ҳисобда ҳам юқори бўлиши банклар молиявий барқарорлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

2.1. Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Банклар капитали. Банк тизими барқарорлигининг асосий мезонларидан бири, бу банкларнинг ўз маблағлари билан таъминланганлик даражаси, яъни уларнинг капиталлашув даражасининг юқорилиги ҳисобланади. Тижорат банклари капиталининг юқорилиги миллий иқтисодиётнинг молиявий ресурсларга бўлган талабини янада кенгрок қондириш ҳамда аҳоли ва кредиторлар олдидаги мажбуриятларини **кенгрок ҳимоялаш** имконини беради.

Банклар капиталлашув даражасини ошириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тижорат банкларининг умумий капитали 2017 йил давомида 2,3 баробарга кўпайиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 20,7 трлн. сўмни, устав капитали умумий миқдори эса 2,8 баробарга ошиб, 16,3 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда давлат улушига эга банклар капитали 11,7 трлн. сўмга ошди.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилигини таъминлаш ҳамда иқтисодиётнинг кредитга бўлган ўсиб бораётган эҳтиёжини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ давлат улушига эга банклар капиталига Ҳукумат томонидан 670 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағлар йўналтирилди.

2.1.1-жадвал

**Тижорат банкларининг жами капитали таркиби
ва динамикаси (млрд.сўм)**

Кўрсаткичлар	Давлат улушига эга банклар ¹			Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар			Жами		
	2016 й.	2017 й.	фоизда	2016 й.	2017 й.	фоизда	2016 й.	2017 й.	фоизда
Жами капитал	6 573	16 672	253,6	2 408	4 005	166,3	8 981	20 676	230,2
Устав капитали	4 616	14 195	307,5	1 189	2 111	177,5	5 805	16 307	280,9
Захира капитали	12	14	116,7	29	54	186,2	41	68	165,9
Тақсимланмаган фойда	1 062	1 269	119,5	406	524	129,1	1 468	1 793	122,1

Бундан ташқари, ҳисобот йили давомида капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банклари умумий капитали 1,6 трлн. сўмга оширилган бўлиб, шундан 1 трлн. сўми қўшимча акциялар ва қарз қимматли қоғозларни жойлаштириш орқали шакллантирилди.

Натижада 2017 йил давомида банклар **капиталининг етарлилик даражаси кўрсаткичи**, таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларга нисбатан 14,7 фоиздан 18,8 фоизгача (минимал талаб 12,5 фоиз) ошди. Бу эса, тижорат банклари умумий капиталини ошириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирларнинг банк тизими молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатганлигини намоён этади.

Тижорат банклари мажбуриятлари тузилмаси ва динамикаси. 2017 йил давомида тижорат банклари жами мажбуриятлари 70,9 трлн. сўмга ёки 1,9 баробарга (2016 йилда 1,3 баробарга) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 146 трлн. сўмни ташкил этди. Бунда жами мажбуриятлар ўсишининг 71 фоизи ёки 50 трлн. сўми миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши натижасида чет эл валютасида жалб қилинган кредитлар ва депозитларнинг миллий валютадаги қийматининг ошиши ҳисобига рўй берди.

¹Устав капиталида давлат улуши мавжуд бўлган банклар: ЎЗР ТИФ Миллий банки, «Ўзсаноатқурилишбанк», «Агробанк», Халқ банки, «Микрокредитбанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Ипотека-банк», «Асака» банк, «Алоқабанк», «Туронбанк», «Ўзагроэксспортбанк».

2.1.2-жадвал

Тижорат банклари жами мажбуриятлари таркиби

Кўрсаткич номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами мажбуриятлар	75 094	100%	145 956	100%	94,4%
Жалб қилинган кредитлар	26 786	36	72 819	50	172
Жами депозитлар	36 341	48	58 668	40	61
Муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар	1 058	1	1 100	0,8	4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	375	0,5	1 049	0,7	180
Бошқа банклар маблағлари	3 995	5	5 763	4	44
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	263	0,4	537	0,4	104
Бошқа мажбуриятлар	6 250	8	6 019	4,1	-4,1

Тижорат банклари жами мажбуриятларининг 82 фоизини ички мажбуриятлар, шу жумладан, 31,7 фоизини Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ресурслари ҳамда 18 фоизини чет эл банклари ва халқаро молия ташкилотлари кредит линиялари маблағлари ташкил этади.

Бунда ҳисобот йилида валюта сиёсатининг либераллаштирилиши доирасида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан айирбошлаш курсининг қарийб 2,5 баробарга пасайиши натижасида хорижий кредит маблағларининг банклар жами мажбуриятларидаги улуши 2017 йил давомида 36 фоиздан 50 фоизгача ошди.

Шу билан бирга, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб қилинган депозитларнинг банклар жами мажбуриятларидаги улуши 2017 йил давомида 48,4 фоиздан 40,2 фоизгача пасайди.

2017 йил давомида тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 61,4 фоизга (2016 йилда 24 фоиз) ошиб, ҳисобот санасига 58,7 трлн. сўмни ташкил қилди, шундан 51 фоизи миллий валютадаги ва 49 фоизи хорижий валютадаги депозитлар ҳиссасига тўғри келади.

Миллий валютадаги депозитлар ҳажми йил бошига нисбатан 13,3 фоизга (3,5 трлн. сўмга) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 29,8 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, хорижий валютадаги депозитлар ҳажми 88,1 фоизга ёки 18,8 трлн. сўмга ошиб, 28,8 трлн. сўмга етди.

Хорижий валютадаги депозитлар ҳажми ўсишининг 80,5 фоизи ёки 15,1 трлн. сўми миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши ҳисобига юз берган бўлса, қолган 3,7 трлн. сўм миқдордаги ўсиш хорижий валютадаги депозитлар реал ҳажмининг қарийб 15 фоизга ёки 3,1 млрд. АҚШ долларидан 3,6 млрд. АҚШ долларигача ошиши билан изоҳланади.

2.1.3-жадвал

Тижорат банклари жалб қилган депозитлар

Кўрсаткич номи	01.01.2017 й., млрд. сўмда	01.01.2018 й., млрд. сўмда	ўзгариши, фоизда
Жами депозитлар, шундан:	36 341	58 668	61,4
Миллий валютадаги депозитлар	26 334	29 843	13,3
Хорижий валютадаги депозитлар	10 007	28 825	188,1
млн. АҚШ доллари эквивалентида	3 097	3 550	14,6

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларидаги жами депозитларнинг 65,8 фоизи, шу жумладан, аҳоли омонатларининг 66,7 фоизи давлат улушига эга банклар ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу депозит ва омонатлар давлат улушига эга банкларнинг жами мажбуриятларининг 33 фоизини ташкил этди.

2.1.4-жадвал

Жалб қилинган депозитлар

Банклар	Жами депозитлар				Аҳоли омонатлари			
	Банк тизимидаги улуши, фоизда		Жами мажбуриятдаги улуши, фоизда		Банк тизимидаги улуши, фоизда		Жами мажбуриятдаги улуши, фоизда	
	2016 й.	2017 й.	2016 й.	2017 й.	2016 й.	2017 й.	2016 й.	2017 й.
Давлат улушига эга банклар	66,5	65,8	41,3	32,2	73,5	66,7	10,7	6,7
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	33,5	34,2	73,1	76,9	26,5	33,3	13,5	15,5

Капиталида давлат улуши бўлмаган тижорат банклари ҳиссасига банк тизимидаги жами депозитларнинг 34,2 фоизи, шу жумладан, жами аҳоли омонатларининг 33,3 фоизи тўғри келган ҳолатда, депозит ва омонатларнинг мазкур банклар жами мажбуриятларидаги улуши 76,9 фоизни ташкил этган. Бу эса, давлат улушига эга банклардан фарқли равишда, бошқа банклар учун депозитлар ва аҳоли омонатлари кредитлаш амалиётларининг асосий ресурс манбаи бўлиб хизмат қилаётганлигини билдиради.

Банк тизимида депозитлар ва аҳоли омонатлари бўйича ўрнатилган фоиз ставкалари таҳлили, уларнинг 2017 йил давомида Марказий банк томонидан амалга оширилган монетар сиёсат чора-тадбирлари таъсирида шаклланиб борганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, 2017 йилнинг январь-июнь ойларида юридик ва жисмоний шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 11,9 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилининг иккинчи ярмида депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг ўсиши кузатилди ва 2017 йилнинг декабрь ойи якуни бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси 15,3 фоизга етди. Мазкур ўсиш, асосан юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкасининг йилнинг биринчи ярмидаги 6,4 фоиздан йил якуни бўйича 12,3 фоизгача кўтарилиши ҳисобига юз берди.

Депозитлар бўйича фоиз ставкаларининг бундай ўсиши асосан 2017 йилнинг июнь ойи охирида валюта сиёсатини либераллаштиришга тайёргарлик кўриш доирасида Марказий банк томонидан қайта молиялаш ставкасининг оширилиши билан изоҳланади.

Тижорат банклари активлари тузилмаси ва динамикаси. 2017 йил давомида тижорат банкларининг жами активлари 82,6 трлн. сўмга ёки 98,2 фоизга (2016 йилда – 29 фоиз) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 166,6 трлн. сўмни ташкил этди.

Жами активлар ўсишининг 64 фоизи ёки 52,8 трлн. сўми миллий валюта алмашув курсининг кескин пасайиши ҳисобига рўй берди. Мазкур омиллар таъсирида банклар активларининг ЯИМга нисбати 2017 йил якуни бўйича 67 фоизга (2016 йилда – 42,2 фоиз) етди.

Таъкидлаш жоизки, 2017 йил якуни бўйича давлат улушига эга тижорат банкларининг банк тизими жами активларидаги улуши янада ошиб, қарийб 82 фоизга (2016 йилда – 77,3 фоиз) етди.

2.1.5-жадвал

Тижорат банклари активларининг таркиби

Банк активлари номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.	
	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда	суммаси, млн. сўмда	улуши, фоизда
Кредит қўйилмалари, нетто	52 045	61,9	108 467	65,1
Марказий банкдаги маблағлар	11 958	14,2	14 909	8,9
Бошқа банклардаги маблағлар	10 868	12,9	25 060	15,0
Инвестициялар ва бошқа қимматли қоғозлар	2 621	3,1	4 115	2,5
Асосий воситалар	1 794	2,1	2 335	1,4
Нақд пул маблағлари	1 336	1,6	4 841	2,9
Бошқа активлар	3 453	4,1	6 905	4,1
Жами	84 075	100,0	166 632	100,0

Тижорат банклари кредит қўйилмалари ҳажми ҳисобот йили давомида 58 трлн. сўмга ёки 110 фоизга (2016 йилда – 32 фоиз) ўсиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 110,6 трлн. сўмга етди ҳамда кредит қўйилмаларининг ЯИМдаги улуши 44,4 фоизгача (2016 йилда – 26,4 фоиз) ошди. Кредит қўйилмаларининг (нетто) жами активлар таркибидаги улуши эса 61,9 фоиздан 65,1 фоизгача ошди.

Тижорат банклари кредит қўйилмалари етарли даражада диверсификацияланган бўлиб, республика банк тизимида иқтисодиёт тармоқлари фаолияти билан боғлиқ хатарлар мўътадил даражада шаклланган.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 40,9 фоизи саноат, 14,7 фоизи транспорт ва коммуникация соҳаси, 12,3 фоизи жисмоний шахслар, 4,7 фоизи савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси, 4,3 фоизи қишлоқ хўжалиги соҳасига ҳамда 3,1 фоизи қурилиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади.

2.1.6-жадвал

Тижорат банклари кредит қўйилmalarининг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.	
	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда	суммаси, млрд. сўм	улуши, фоизда
Саноат соҳаси	18 347	34,9	45 223	40,9
Транспорт ва коммуникация	7 149	13,6	16 205	14,7
Савдо ва умумий хизмат кўрсатиш соҳаси	4 072	7,7	5 246	4,7
Қишлоқ хўжалиги	3 033	5,8	4 742	4,3
Қурилиш соҳаси	2 218	4,2	3 424	3,1
Моддий ва техник таъминотни ривожлантириш	652	1,2	472	0,4
Уй-жой коммунал хизмати	456	0,9	996	0,9
Жисмоний шахслар	9 379	17,8	13 600	12,3
Бошқа соҳалар	7 304	13,9	20 665	18,7
Жами кредитлар	52 611	100	110 572	100

Ҳисобот йили якуни бўйича тижорат банклари жами кредит қўйилmalarининг асосий қисми, яъни 88,4 фоизи давлат улушига эга тижорат банклари ҳиссасига тўғри келган бўлиб, ушбу кўрсаткич 2017 йил давомида 4,2 фоиз бандга ошган. Бунда чет эл валютасидаги кредит қўйилmalarининг деярли барчаси (94,3 фоизи) давлат улушига эга тижорат банклари томонидан молиялаштирилган.

2.1.7-жадвал

Тижорат банкларининг кредит қўйилmalarи (фоизда)

Банк турлари	2016 йил		2017 йил	
	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада	Жами кредитлар	Шундан хорижий валютада
Давлат улушига эга банклар	84,2	94,7	88,4	94,3
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	15,8	5,3	11,6	5,7

2017 йил давомида миллий валюта сиёсатининг либераллаштирилиши ҳисобига жами кредит қўйилмалари таркибида чет эл валютасида ажратилган кредитлар улуши 42,8 фоиздан 62,3 фоизгача ошиши кузатилди. Мазкур кўрсаткич Россия Федерацияси (24,2 фоиз), Қозоғистон (26,3 фоиз), Украина (47,2 фоиз), Беларусь (51 фоиз) ва бошқа айрим МДХ давлатларидаги кўрсаткичлардан анча юқори бўлиб, республика банк тизимида чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг қайтарилиши билан боғлиқ валюта хатарининг диверсификация қилиш масаласининг долзарблигини оширади.

Валюта сиёсатининг либераллаштирилиши натижасида тижорат банклари кредит портфелининг хорижий валютадаги қисми бўйича вужудга келиши мумкин бўлган ўзгаришлар ва уларнинг салбий оқибатлари таҳлили ушбу кредитлар бўйича хатарлар банкларнинг валюта маблағларини шакллантириш манбаларига боғлиқ равишда турлича бўлиши мумкинлигини кўрсатди.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банкларининг чет эл валютасидаги жами кредит қўйилмаларининг 35 фоизи Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан ажратилган. Валюта сиёсатининг либераллаштиришга тайёргарлик кўриш доирасида мазкур кредитлар муддатларининг Ҳукуматнинг тегишли қарорларига асосан узайтириб берилиши, жамғарма маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар қайтарилиши билан боғлиқ хатарларнинг бартараф этилишини таъминлади.

2.1.1-чизма



Шу билан бирга, Марказий банк томонидан тижорат банкларининг ўз валюта маблағлари (чет эл валютасида ажратилган кредитларнинг 13 фоизи) ҳамда хорижий молия институтлари маблағлари (32 фоиз) ҳисобидан ажратилган кредитларнинг қайтарилишида муаммолар юзага келиши хатарларини ўрганган ҳолда тегишли чоралар кўрилди.

Хусусан, тижорат банклари Бошқарувларига хорижий валютада кредит олган ҳар бир мижоз билан биргаликда ушбу кредитларни қайтариш имкониятларини ўрганиб чиқиш ҳамда мижозларнинг пул оқими амалдаги кредит шартномаси бўйича ўз мажбуриятини амалга оширишга етмаган тақдирда, мижоз билан биргаликда, кредитни қайтариш муддатини узайтириш юзасидан кредит шартномасига тегишли ўзгартиришлар киритиш масаласини кўриб чиқиш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди.

Шунга мувофиқ, 2017 йилда тижорат банклари томонидан хорижий валютада кредит олган мижозларнинг 91,7 млн. доллар миқдоридagi қисмининг қайтариш муддатлари узайтириб берилди.

Тижорат банклари кредит портфели таркибида 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига муаммоли кредитлар қолдиғи 2,2 трлн. сўмни ташкил этиб, жами кредит кўйилмаларидаги улуши 2 фоизни ташкил этган.

2017 йилнинг декабрь ойи давомида Марказий банк томонидан тижорат банклари билан биргаликда уларнинг кредит портфеллари тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди ва натижада аниқланган муаммоли кредитлар бўйича активлар қайта таснифланди.

Натижада ҳисобот санасига тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 90,7 фоизи «стандарт», 8,2 фоизи «субстандарт», деб таснифланган активлар ҳисобига тўғри келган ҳамда сифати «қониқарсиз», «шубҳали» ва «умидсиз» деб таснифланган кредитлар қолдиғи 1,2 фоизни ташкил этди.

Ажратилган кредитлар бўйича яратилган захиралар умумий миқдори 2,4 трлн. сўмни ёки банклар жами кредит портфелининг 2,2 фоизини ташкил этиб, ўтган йил бошига нисбатан 3,6 баробар кўпроқ захиралар шакллантирилган.

Ҳисобот санасига тижорат банклари кредитларининг 43,6 фоизи Ҳукумат кафолати, 28,8 фоизи кўчмас мулк, 3,8 фоизи транспорт воситалари ва қолган 23,8 фоизи учинчи шахс кафиллиги ҳамда бошқа таъминотлар асосида ажратилган.

2.1.8-жадвал

**Тижорат банклари кредит портфелининг таснифланиши
ҳамда яратилган захиралар ҳолати**

Кредитлар таснифланиши	01.01.2017 й.				01.01.2018 й.			
	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда	жами кредитлар, млрд. сўм	улуши, фоизда	яратилган захира, млрд. сўм	улуши, фоизда
Стандарт	47 094	89,5	102	15,3	100 235	90,7	290	12,1
Субстандарт	5 126	9,7	369	55,3	9 013	8,2	1 390	58,1
Қоникарсиз	168	0,3	45	6,7	739	0,7	207	8,6
Шубҳали	119	0,2	61	9,1	254	0,2	131	5,5
Умидсиз	105	0,2	91	13,6	332	0,3	377	15,8
Жами	52 611	100,0	667	100,0	110 572	100,0	2 395	100,0

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари кредит қўйилмаларининг 65,1 фоизи Тошкент шаҳридаги ҳамда 34,9 фоизи ҳудудлардаги банк филиаллари томонидан ажратилган бўлиб, мазкур ҳолат ҳудудлардаги йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш асосан тижорат банкларининг Бош банклари томонидан амалга оширилганлигини кўрсатмоқда.

2017 йил якуни бўйича тижорат банклари томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 2016 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, уларнинг жами молиявий хизматлар таркибида улуши 88 фоизга етди.

2.2. Тижорат банкларининг иқтисодиётни кредитлаш бўйича фаолияти

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг асосий қисмини янги ишлаб чиқариш корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларини қуриш, уларни зарур ускуна ва технологиялар билан жиҳозлаш, мавжуд корхоналарни модернизация қилиш ҳамда тадбиркорлик субъектларини айланма маблағлар билан таъминлаш мақсадлари учун йўналтирилаётганлиги республикамиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ўсишини таъминлашда муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Банкларнинг инвестиция жараёнларидаги иштироки. 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан иқтисодиёт реал сектори корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни диверсификациялашга доир инвестиция лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 16,1 трлн. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 1,3 баробарга кўп инвестиция кредитлари ажратилди.

Хусусан, тармоқлар кесимида қаралганда жами ажратилган инвестиция кредитларининг 6,2 трлн. сўми (38,8 фоизи) саноат соҳасига, 2,1 трлн. сўми (13 фоизи) қишлоқ хўжалиги соҳасига, 1,6 трлн. сўми (9,9 фоизи) транспорт ва коммуникация соҳасига, 1,4 трлн. сўми (9 фоизи) қурилиш соҳасига, 1,3 трлн. сўми (7,8 фоизи) хизмат кўрсатиш соҳасига ва 3,5 трлн. сўми (21,4 фоизи) бошқа соҳаларга йўналтирилган.


Банклар томонидан инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда асосий эътибор, 2017 йилга мўлжалланган давлат инвестиция дастури, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш, маҳаллийлаштириш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларига киритилган лойиҳаларни ўз муддатида тўлиқ молиялаштиришни таъминлашга қаратилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 декабрдаги «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга оширишни давом эттиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2698-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида банклар томонидан рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи ва экспортга мўлжалланган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга 2,6 трлн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Бундан ташқари, республика ҳудудларида замонавий ва юқори технологик ишлаб чиқаришларни ташкил этиш жараёнига хорижий ҳамда маҳаллий инвестицияларни жалб этиш, уларда қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, шунингдек, ҳудудларнинг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан самарали фойдаланиш мақсадида ташкил этилган эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналаридаги 40 дан ортиқ лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан 126 млн. АҚШ доллари эквиваленти миқдоридаги кредитлар берилди.

2.2.1-чизма

Эркин иқтисодий зоналар ҳамда кичик саноат зоналари кесимида инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш учун 2017 йилда ажратилган кредитлар миқдори, млн. АҚШ доллари



Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш.

Банк тизими томонидан 2017 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари талаблари доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига инвестиция мақсадлари ва бошланғич капитални шакллантириш учун кредитлар ажратишни кенгайтириш ҳамда микрокредитлаш ҳажмини ошириш орқали аҳолини, айниқса, кам таъминланган оилаларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш ва уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилди.

Натижада 2017 йил давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2016 йилга нисбатан 23,3 фоизга ошиб, 19 трлн. 564,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Шундан ажратилган микрокредитлар 4 трлн. 15 млрд. сўмни ташкил этиб, 2016 йилга нисбатан 20,7 фоизга ўсди.

2.2.2-чизма



2017 йил давомида тижорат банклари томонидан:

- хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга 3 трлн. 582,2 млрд. сўм;

- оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни қўллаб-қувватлашга 490,3 млрд. сўм;

- аёлларнинг тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш мақсадларига 2 трлн. 782,3 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилган.

2017 йил давомида хорижий кредит линияларини жалб қилиш ҳисобига кичик бизнес субъектларига кредитлар ажратишни янада кенгайтириш борасида қўрилган чора-тадбирлар натижасида халқаро молия институтларининг кредит линиялари ҳисобидан 414,8 млн. АҚШ доллари миқдорда ёки 2016 йилга нисбатан 2 баробар кўп кредит маблағлари ўзлаштирилди.

Шу билан бир қаторда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни рағбатлантириш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан яратилган имтиёз ва қулайликлар, соҳа субъектлари учун кредитлар ажратиш шарт-шароитларини тушунтириш бўйича жойларда мунтазам равишда семинар ва учрашувлар ўтказиб келинмоқда.

Банкларнинг веб-сайт ва порталлари орқали кўрсатилаётган банк хизматлари, жумладан, кичик бизнес соҳасига ажратилаётган кредитлар, уларнинг афзалликлари, фоиз ставкалари ва бошқа тегишли маълумотлар банкларнинг интернет саҳифаларида доимий равишда ёритиб борилмоқда.

Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасида ажратилган кредитлар. Ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг республика худудларига ташрифлари давомида ўтказилган йиғилиш баёнларида кўзда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

2017 йил давомида тижорат банклари томонидан 635 та лойиҳа бўйича 7,3 трлн. сўмдан ортиқ, шундан саноат соҳасида 354 та лойиҳага 5,4 трлн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасида 110 та лойиҳага 533,0 млрд. сўм ва қишлоқ хўжалиги соҳасида 171 та лойиҳага 1,4 трлн. сўм миқдорида кредитлар йўналтирилган.

Шунингдек, 2017 йил давомида худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида қабул қилинган дастурлар доирасида 12 994 та лойиҳани молиялаштириш учун 7 890,5 млрд. сўмдан ортиқ, шундан:

- саноат соҳасидаги 3 759 та лойиҳага 4 341,8 млрд. сўм;
- хизмат кўрсатиш соҳасидаги 5 553 та лойиҳага 1 803,4 млрд. сўм;
- қишлоқ хўжалиги соҳасидаги 3 682 та лойиҳага 1 745,3 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратилган.

Бундан ташқари, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, уй-жойга бўлган талаб-эҳтиёжини қондириш, уй-жой қурилиши ҳамда ипотека кредитларини бериш кўламини кенгайтириш ҳисобига уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида:

- қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш учун 1,8 трлн. сўм;
- шаҳарларда кўп квартирали уй-жойларни қуриш учун 4,2 трлн. сўм;
- кўп квартирали уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш, куз-қиш мавсумига барқарор тайёрлаш мақсадида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига 592,6 млрд. сўм миқдоридан кредитлар ажратилди.

2.3. Банк тизими инфратузилмаси

Республика иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши билан мос равишда мамлакат банк тизими инфратузилмаси ҳам мунтазам ривожланиб бормоқда. 2017 йил давомида «Ўзагроэкспортбанк» акциядорлик-тижорат банки ўз фаолиятини бошлаганлиги ҳисобига тижорат банклари сони 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 28 тага етди. Шундан 11 таси давлат улушига эга банклар, 17 таси чет эл капитали ва хусусий капиталга эга тижорат банклари ҳисобланади.

Шу билан бирга, республикамиздаги тижорат банклари билан кенг қамровли ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий йирик банкларнинг 6 та ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Ҳисобот йили давомида тижорат банклари филиаллари сони 7 тага ортиб, уларнинг умумий сони 862 тани ташкил этди. 2018 йил 1 январь ҳолатига тижорат банклари таркибидаги мини-банклар сони 980 тани, банкдан ташқари операцион кассалар сони 2 861 тани, валюта айирбошлаш шохобчалари сони 915 тани, халқаро пул ўтказмалари шохобчалари 1 012 тани ҳамда сайёр кассалар сони 2 157 тани ташкил этди.

Республикамизда ҳозирги кунда 76 та нобанк кредит ташкилотлари, шу жумладан, 30 та микрокредит ташкилотлари ҳамда 46 та ломбардлар фаолият кўрсатмоқда.

Умуман олганда, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига кредит ташкилотлари бўлинмалари умумий сони 8 891 тани ташкил этиб, 2017 йил бошига нисбатан қарийб 2,5 мингтага кўпайган.

Бу эса ўз навбатида, республикамизда нафақат банк инфратузилмасининг кенгайиб боришига, балки улар ўртасидаги рақобат муҳитининг кучайиши ҳамда банк хизмат турлари сифати ва кўламининг ошишига ҳам хизмат қилмоқда.

2.3.1. Кредит ахбороти давлат реестри ва Кредит бюроси фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари талаблари асосида республикада кредит ахбороти алмашинуви тизимини янада ривожлантириш, ушбу тизимдан фойдаланишда, биринчи навбатда, тадбиркорлик субъектларига қулайликлар яратиш ҳамда ривожланган давлатлар тажрибасига мувофиқ такомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда республикада кредит ахбороти алмашинуви бўйича самарали ва халқаро талабларга жавоб берадиган тизим яратилган бўлиб, мазкур тизим «Кредит ахбороти алмашинуви тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ташкил этилган «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» масъулияти чекланган жамияти ва Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестрини ўз ичига олади.

Хусусан, Марказий банкнинг **Кредит ахборотининг давлат реестрида** республикада банк тизимида тузилаётган барча кредит битимлари ва ушбу битимлар бўйича амалга оширилган амалиётлар тўғрисидаги маълумотлар юритилмоқда.

2017 йил давомида республикада иқтисодиётида амалга оширилган ислохотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш ҳажмларининг янада оширилиши натижасида Кредит ахборотининг давлат реестри маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан қарийб 30 фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 3 млн. 541 мингтани ташкил қилган.


Ўз навбатида, маълумотлар базасига киритилган кредитдан фойдаланувчилар сони 2017 йил давомида 31 фоизга ўсиб, 2 млн. 43 мингтага етган, шундан 291 мингтаси юридик шахслар, 172 мингтаси яқка тартибдаги тадбиркорлар ва 1 млн. 580 мингтаси жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келади.

Бунда кредитдан фойдаланувчилар сонининг ўсиши асосан жисмоний шахслар ҳисобига тўғри келиб, кредит олган аҳоли сони қарийб 398,2 мингтага ёки 34 фоизга ўсган. Мазкур ҳолат, асосан 2017 йил давомида аҳолини фаол тадбиркорликка жалб қилиш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар билан изоҳланади.

2017 йил бошида амалдаги, яъни кредит бўйича мажбуриятлар мавжуд бўлган кредит битимлари сони 772,5 мингтани, кредитдан фойдаланувчилар сони эса 653,9 мингтани ташкил қилган бўлса, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига амалдаги кредит битимлари сони 1 млн. 44,3 мингтага (йил бошига нисбатан ўсиш – 35,2 фоиз), кредитдан фойдаланувчилар сони эса 1 млн. 32,7 мингтага (йил бошига нисбатан ўсиш – 57,8 фоиз) етган.


2018 йилнинг 1 январь ҳолатига Кредит ахборотининг давлат реестридаги кредитдан фойдаланувчиларнинг 582,1 мингтаси (56,4 фоизи) акциядорлик тижорат банклари, 267,4 мингтаси (26 фоизи) давлат банклари, 155,2 мингтаси (15 фоизи) чет эл капитали иштирокидаги банклар, 28 мингтаси (2,6 фоизи) хусусий банклар миқдорлари ҳиссасига тўғри келади.

2.3.1-чизма



2018 йилнинг 1 январь ҳолатига амалдаги кредит битимларининг 56 фоизи акциядорлик-тижорат банклари, 26 фоизи давлат банклари, 15 фоизи чет эл капитали иштирокидаги банклар, 3 фоизи хусусий банклар миқдорлари ҳиссасига тўғри келади.

2.3.2-чизма



2017 йил давомида Кредит ахборотининг давлат реестридаги маълумотларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш, шунингдек, кредит ахборотини етказиб берувчилар томонидан тақдим этилаётган ахборотлар сифатини ошириш мақсадида қўшимча электрон мантиқий назоратлар киритилди. Жумладан:

- кредит ҳисобварақларидаги қолдиқларнинг активлар сифати таснифланган гуруҳига мослиги тўғрисида мантиқий назорат жадвали ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши банкларда кредит операцияларининг ҳисобини автоматик тарзда тўғри юритилишини таъминлади;

- электрон базада кредитларнинг «Кредитни қайтариш жадвали»ни ўзгартиришга нисбатан мантиқий назорат жорий қилиниб, кредитларни қайтариш муддатлари бўйича маълумотларнинг аниқлиги янада оширилди;

- кредит муддатининг ссуда ҳисобварағига мослиги юзасидан мантиқий назорат киритиш орқали қисқа (365 кунгача) ва узоқ (366 кундан ошиқ) муддатли кредитларнинг тегишли ҳисобварақларда юритилишига эришилди.

Ўз навбатида, «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» МЧЖнинг 2017 йилдаги фаолияти таҳлили мазкур ташкилот кўрсаткичларининг ҳам сезиларли даражада ошганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Кредит бюронинг маълумотлар базасига киритилган жами кредит битимлари сони (тўлиқ ижро этилган кредит битимлари билан бирга) йил бошига нисбатан қарийб 22,4 фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 3 млн. 766,1 мингтани ташкил қилган.

Ўз навбатида, маълумотлар базасига киритилган кредит ахбороти субъектлари сони 2017 йил давомида 7,0 фоизга ўсиб, 8 млн. 810,6 мингтага етган, шундан 620,9 мингтаси юридик шахслар ва 8 млн. 189,7 мингтаси жисмоний шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобига тўғри келади.

2.3.1-жадвал

**Кредит бюро базасидаги
юридик ва жисмоний шахслар сони, мингда**

Сана	Юридик шахслар	Жисмоний шахслар	Жами
1-январь-2014	839,0	2 778,8	3 617,8
1-январь-2015	876,8	2 918	3 794,5
1-январь-2016	1 415	4 164	5 578,9
1-январь-2017	589,8	7 642	8 231,8
1-январь-2018	620,9	8 189,7	8 810,6

Ҳисобот йилида Кредит бюрога кредит ташкилотларидан келиб тушган сўровлар сони 2016 йилга нисбатан 288,5 мингтага ошиб, 1,1 млн.тани ташкил этди.

Марказий банкнинг Кредит ахборотининг давлат реестри ҳамда «Кредит-ахборот таҳлилий маркази» кредит бюроси» МЧЖ маълумотлар базасидаги кредит битимлари бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши ҳақидаги маълумотлар, кредит ахбороти субъектларининг молиявий ҳолатини, тўлов қобилиятини ва интизомини аниқлашга кўмаклашувчи бошқа ахборотлар банк соҳасидаги хавф-хатарларни бошқариш, кредит бериш тартибларини такомиллаштириш ва кредит бозорида рақобатни оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, Кредит ахборотининг давлат реестри базасидаги маълумотлардан Марказий банкнинг банк назорати функцияларини бажаришда, шу жумладан, дистанцион (масофадан) банк назоратини амалга оширишда самарали фойдаланилмоқда. Хусусан, мазкур маълумотлар базасидан тижорат банкларининг кредит портфелидаги муаммоли кредитларни аниқлаш ва уларни кенг таҳлил қилиш, кредит операцияларига доир камчиликларни аниқлаш ва олдини олиш бўйича ишларни амалга оширишда фойдаланилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, республикамізда самарали кредит ахбороти алмашинуви тизимини ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар халқаро ташкилотлар томонидан юқори баҳоланмоқда. Хусусан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг тадбиркорлик шарт-шароитларини юритиш бўйича «Бизнесни юритиш – 2017» ҳисоботиға кўра, «Кредит ахбороти алмашинуви индекси бўйича» Ўзбекистон Республикаси банк тизими кетма-кет олтинчи йил мавжуд 8 балл тизимида 7 балл билан баҳоланди.

2.3.2. Гаров реестри тизими фаолияти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Гаров реестри тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги «Гаров реестри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги 155-сонли қарорига мувофиқ, 2017 йил мобайнида гаров реестрининг интернет тармоғи ҳамда банк телекоммуникация тармоғи орқали узлуксиз фаолият юритилиши таъминланди.

Хусусан, гаров реестрининг дастурий платформасини Интернет тармоғи орқали фаолият юритилиши йўлга қўйилган. «Гаров реестри» давлат унитар корхонаси сайти TAS-IX зонасида жойлаштирилган ва «gov.uz» домен номиға эға.

«Гаров реестри» давлат унитар корхонаси 2017 йилдаги фаолияти давомида 18 та янги фойдаланувчилар рўйхатдан ўтказилган бўлиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатиға гаров реестрида жами 177 та фойдаланувчилар мавжуд.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатиға фойдаланувчилар томонидан гаров реестриға жами 477 мингга яқин ёзувлар киритилган ва ушбу ёзувларға қарийб 126 мингга ўзгартиришлар қилинган ҳамда 81 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган. Шунингдек, фойдаланувчиларға гаров реестридан ёзувлар бўйича 3,7 мингга яқин кўчирмалар тақдим этилган.

Гаров реестрига киритилган ёзувларнинг 450,5 мингга яқини ёки 94,5 фоизи тижорат банклари томонидан ва 25,7 мингтаси ёки 5,4 фоизи микрокредит ташкилотлари томонидан киритилган.

Хусусан, 2017 йил давомида гаров реестрига 103 мингдан ортиқ ёзувлар киритилган бўлиб, ёзувларга 87 мингдан зиёд ўзгартиришлар қилинган, 24 мингдан кўп ёзувлар эса гаров реестридан чиқарилган. Шу даврда фойдаланувчиларга гаров реестридан ёзувлар бўйича 1 100 дан ортиқ кўчирмалар тақдим этилган.

Республикада гаров реестри тизимининг жорий этилиши молия-банк тизими инфратузилмасининг халқаро стандартларга мувофиқ ривожланишини таъминлаб, гаров мол-мулки бўйича ҳолис ахборотлар базасини шакллантириш орқали кредиторлар манфаатларининг янада ишончли ҳимоя қилинишига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг кредит олиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

2.3.3. Аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими

Республикада аҳолининг тижорат банкларидаги омонатларини кафолатлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 сентябрдаги 326-сонли «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан ташкил этилган Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан 2002 йилдан буён амалга ошириб келинмоқда.

2018 йил 1 январь ҳолатига кўра, Фонд реестрида ҳисобда турган банклар сони 27 тани ташкил этган бўлиб, аъзо банклар реестри фонд томонидан мунтазам равишда матбуотда эълон қилиб борилмоқда.

Фонднинг ҳисобот йилидаги фаолияти Фонд кузатув кенгашининг 2017 йил учун тасдиқланган прогноз кўрсаткичларига асосан амалга оширилди.

Унга кўра, 2017 йилда тижорат банкларидан келиб тушадиган календарь бадаллар ҳажми 68,0 млрд. сўм ва даромади 40,9 млрд. сўм миқдорида белгиланган бўлиб, тасдиқланган кўрсаткичларнинг тўлиқ бажарилиши таъминланди.

Хусусан, 2017 йилда Фондга аъзо тижорат банклари томонидан 77 млрд. сўм миқдорида календарь бадаллар ўтказилди ва Фондга ўтказилган жами календарь бадаллар ҳажми 413,5 млрд. сўмга етди.

Фондда мавжуд маблағларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилиши ва олинган даромадларнинг қайта инвестиция қилиниши ҳисобига Фонднинг жами маблағлари 2017 йилнинг бошига нисбатан 122,1 млрд.сўмга ошиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 590,4 млрд. сўмни ташкил қилди.

Ушбу маблағлар тўлиқ равишда тижорат банкларининг («Қишлоқ қурилиш банк» – 159,9 млрд. сўм, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки – 110 млрд. сўм, «Асака» банк – 104,4 млрд. сўм, «Агробанк» – 103,1 млрд. сўм, «Микрокредитбанк» – 78,9 млрд. сўм, Халқ банки – 34,1 млрд. сўм) муддатли депозит ҳамда депозит сертификатларига йўналтирилган.

2017 йилда Фонд томонидан тижорат банкларининг муддатли депозит ҳамда депозит сертификатларига жойлаштирилган қўйилмалар ҳисобига 45,9 млрд. сўм даромад олинди (ўртача даромадлилик даражаси 8,5 фоизни ташкил этган), 2016 йилга нисбатан 8,9 млрд. сўмга ошган.

Шунингдек, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан банклар томонидан Фондга ўтказиладиган календарь бадаллар банкдаги омонатлар қолдиғининг 5 фоизига етганда бадал ўтказиш тўхтатилиши белгиланган бўлиб, 2017 йил якунига кўра республикадаги жами 12 та банк («Асака» банк, «Ипотека-банк», «Агробанк», «Қишлоқ қурилиш банк», «Туронбанк», «Микрокредитбанк», «Савдогарбанк», «Алоқабанк», «Трастбанк», «Hamkorbank», «Туркистонбанк» ва «Даврбанк») ушбу имтиёздан фойдаланган.

2.4. Нобанк кредит ташкилотлари фаолияти кўрсаткичлари

Республикада худудда фаолият юритаётган нобанк кредит ташкилотларининг 2018 йил 1 январь ҳолатига кўра умумий сони 76 тани, шундан микрокредит ташкилотлари сони 30 тани ва ломбардлар сони 46 тани ташкил этди.

2017 йил давомида микрокредит ташкилотларининг асосий кўрсаткичлари барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. Жумладан, микрокредит ташкилотлари жами активлари қолдиғи 2017 йил бошига нисбатан 48,0 фоизга ошиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 139,3 млрд. сўмни, ажратилган кредит ва кўрсатилган лизинг хизматлари қолдиғи 50 фоизга ошиб, 128,1 млрд. сўмни ва умумий капитали эса 51,0 фоизга ошиб, 105,4 млрд. сўмни ташкил этди.

2.4.1-чизма



Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли қарорига мувофиқ 2016-2020 йиллар давомида микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган микромолиявий хизматлар ҳажмини 2,5 бараварга ошириш бўйича тасдиқланган чора-тадбирлар доирасида микрокредит ташкилотлари томонидан кўрсатилаётган микромолиявий хизматлар ҳажмини 2017 йилда 20 фоизга ошириш бўйича белгиланган прогноз кўрсаткичи 44 фоиз ортиғи билан бажарилди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига республикамызда фаолият кўрсатаётган ломбардларнинг жами активлари 2017 йил бошига нисбатан 21,0 фоизга ошиб, 79,7 млрд. сўмни, кредитлар қолдиғи 19,0 фоизга ошиб, 65,1 млрд. сўмни ва жами капитал ҳажми эса 27,0 фоизга ошиб, 71,0 млрд. сўмни ташкил этди.

III. МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ 2017 ЙИЛДАГИ ФАОЛИЯТИ

3.1. Пул-кредит сиёсатини амалга ошириш доирасида олиб борилган ишлар

3.1.1. Пул-кредит сиёсатининг мақсади ва амалга оширилган чоралар

Ҳисобот йилида пул-кредит сиёсати иқтисодиётда юқори инфляцион босим ҳамда фаол таркибий ўзгаришлар, хусусан, валюта сиёсати ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши шароитларида амалга оширилди.

Пул-кредит сиёсатини амалга оширишда, асосий эътибор, 2017 йилнинг биринчи ярмида тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳажмларининг кескин оширилиши натижасида юзага келган монетар омиллар таъсирини камайтириш ҳамда валюта сиёсатини эркинлаштириш жараёнидаги инфляцион хатарларнинг олдини олиш вазифаларига қаратилди.

Хусусан, Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг йиллик 9 фоиздан 14 фоизга оширилиши билан бир қаторда, банк назоратининг самарали қўлланилиши қисқа муддат ичида иқтисодиётни кредитлаш ҳажмларининг ҳамда пул массасининг ўсиш суръатларини мўътадиллаштириш имконини берди.

Пул-кредит соҳасида қабул қилинган қарорлар пул-кредит сиёсати инструментларининг таъсирчанлигини кучайтириш ва самарадорлигини босқичма-босқич оширишга қаратилди.

2017 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб тижорат банкларига ликвидлилик бериш операцияларининг жорий этилиши пул-кредит сиёсатининг фаол босқичига ўтишдаги дастлабки амалий қадамлардан бўлди. Бу ўз навбатида, қайта молиялаш ставкаси оширилишининг банклараро пул бозоридаги ҳамда тижорат банкларининг депозит ва кредит операциялари бўйича фоиз ставкаларига самарали таъсир каналини шакллантиришга имконият яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармони билан республикада валюта бозорини эркинлаштириш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилди.

Ўз навбатида, валюта бозори фаолиятини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар пул-кредит сиёсати механизмларини янги шароитларни инобатга олган ҳолда такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3272-сонли Қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари комплекси пул-кредит сиёсатининг макроиктисодий барқарорлик ва миллий валютанинг мустаҳкамлигини таъминлашдаги ролини кучайтириш имконини берди.

Бунда мамлакатда ички нархлар барқарорлигини самарали таъминлаш мақсадида ўрта муддатли истикболда ривожланган хорижий мамлакатлар марказий банклари томонидан кенг қўлланилаётган **инфляцион таргетлаш режими**га босқичма-босқич ўтиш вазифалари белгиланди.

Марказий банк томонидан пул-кредит сиёсатининг инфляцион таргетлаш режимига ўтишда асосий эътибор:

- умумиктисодий, солиқ-бюджет ва пул-кредит сиёсатини мувофиқлаштириш амалиётини такомиллаштириш, бунда иқтисодий ўсиш, давлат бюджетининг мувозанатлашганлиги ва иқтисодиётдаги нархлар даражасининг барқарорлиги бўйича ўзаро ҳаракатлар ва мақсадларнинг уйғунлигини таъминлаш;

- пул-кредит сиёсати ва унинг инструментлари, хусусан, ликвидликни тақдим этиш ва жалб қилиш бўйича очиқ бозор операциялари, мажбурий захиралаш талаблари ва фоиз инструментлари самарадорлигини ошириш;

- иқтисодиётда нархлар шаклланишига таъсир этувчи омиллар, шу жумладан, инфляциянинг номонетар омилларини ўрганиш ва аҳолининг инфляцион кутилмаларини баҳолаш асосида таклифлар ишлаб чиқиш;

- илғор хорижий тажрибани ўрганиш асосида макроиктисодий таҳлил ва тадқиқотлар сифатини ошириш, хусусан, инфляция даражасини прогнозлаштиришни моделлаштириш;

- пул-кредит соҳасида қабул қилинаётган қарорларнинг моҳияти ва уларнинг якуний мақсадлари тўғрисида ахборот бериш орқали пул-кредит сиёсати шаффофлигини ҳамда аҳолининг ишончини ошириш вазифаларига қаратилади.

Бу ўз навбатида, валюта бозори фаолиятини либераллаштиришдан кейинги даврда фаол пул-кредит сиёсати юритиш босқичига ўтилиши, банк тизимида назорат чораларининг кучайтирилиши, банкдан ташқари пул айланмасининг қисқартирилиши натижасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг миллий валютага бўлган ишончини янада оширилишига иқтисодий замин бўлиб хизмат қилади.

2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида Марказий банкнинг фоиз сиёсати доирасида қайта молиялаш ставкасини белгилашда, асосий эътибор, кутилаётган инфляция даражаси, пул массасининг кредит канали орқали ўсишини инобатга олган ҳолда аҳолининг банклардаги миллий валютадаги жамғармаларининг ижобий динамикасини сақлаб қолиш вазифасига қаратилди.

Шунингдек, ҳисобот йилида юзага келган янги шароитларда пул-кредит кўрсаткичларининг шаклланиш омиллари, таркиби ва ўзгариш хусусиятларини чуқур таҳлил этиш асосида инфляцион хатарларни бошланғич босқичида аниқлашга алоҳида урғу берилди.


3.1.2. Пул-кредит кўрсаткичларининг ўзгариши динамикаси

2017 йил давомида пул-кредит кўрсаткичларининг шаклланиш динамикаси ўзгарувчан характер касб этиб, йилнинг биринчи ва иккинчи ярим йилликларида турли хил динамикага эга бўлди.

2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида тижорат банклари томонидан иқтисодиётни, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини кредитлаш ҳажмларининг сезиларли даражада кенгайтирилиши, ўз навбатида, пул массасининг тез суръатларда ўсишига олиб келди.

Хусусан, 2017 йилнинг январь-июнь ойлари давомида тижорат банкларининг миллий валютадаги кредит портфели қолдиғи 32 фоизга ёки 10 трлн. сўмга, миллий валютадаги пул массаси эса 15 фоизга ўсди.

3.1.2.1-чизма



Миллий валютадаги пул массасининг ойлик ўсиш суръати январь-февраль ойларида 1-1,6 фоиздан март-июнь ойларида 2,7-3,1 фоизгача тезлашди.

Шунингдек, мазкур даврда пул массаси таркибида нақд пуллар улушининг йил бошидаги 25,3 фоиздан 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига қарийб 30 фоизгача ошиши кузатилди.

Муомаладаги нақд пуллар миқдорининг юқори суръатларда ўсиши биринчи даражали тўловларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш мақсадида нақд пулга бўлган талабнинг ошиши ҳамда мазкур даврда ички валюта бозорида мавжуд бўлган муаммолар сабабли банк кассаларига пул тушумининг мутаносиб равишда ошмаганлиги ҳисобига рўй берди.

Кредитлаш ва муомаладаги нақд пул ҳажмларининг тез суръатларда ўсиши банк тизимида ликвидлик миқдорининг йил бошига нисбатан 2,5 баробарга камайишига олиб келди.

Ушбу вазиятда инфляциян жараёнларни жиловлаш ва пул массасининг ўсишини чеклаш ҳамда иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмини мақбуллаштириш мақсадларида Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2017 йилнинг 28 июнь ойидан йиллик 9 фоиздан 14 фоизгача оширилди.

Шу билан бирга, Марказий банк томонидан тижорат банкларига кредит портфелини шакллантиришда иқтисодий мезонларга тўлиқ риоя қилиш бўйича қатъий талабларнинг белгиланиши банк тизими кредит портфелининг асоссиз ўсишининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

2017 йилнинг июль ойидан бошлаб пул-кредит сиёсатининг қатъийлаштирилиши иқтисодиётни кредитлаш ҳажмлари ва пул массаси ўсиш суръатларининг сезиларли даражада пасайтирилиши вужудга келган инфляциян босимни камайтириш ва монетар омилларнинг ички нархлар даражасига салбий таъсирини олдини олиш имконини берди.

Хусусан, миллий валютадаги кредитлар қолдиғи ва пул массаси ҳажмларининг ўртача ойлик ўсиш суръатлари 2017 йилнинг биринчи ярмидаги 4,7 ва 2,3 фоиздан июль-декабрь ойларида мос равишда 0,7 ва -0,8 фоизгача пасайди.

Ҳисобот йилининг иккинчи ярмида миллий валютадаги кредит портфели қолдиғи ўсиш суръати йилнинг биринчи ярим йиллигидаги кўрсаткичга (32 фоиз) нисбатан кескин секинлашиб, 4,3 фоизни (1,8 трлн. сўмни) ташкил қилди. Ўз навбатида, бу ҳолат кредит каналининг пул массаси ошишига таъсирини камайтиришга хизмат қилди.

Натижада ҳисобот йилининг иккинчи ярмида миллий валютадаги пул массаси 4,7 фоизга қисқариб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 47,5 трлн. сўмни ташкил этди.

3.1.2.2-чизма




2017 йилда давлат бюджетининг профицит билан ижро этилиши ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобварақларидаги пул маблағлари қолдиғининг йил бошига нисбатан ошиши пул массаси ўсиш суръатининг пасайишига хизмат қилди.

Умуман олганда, 2017 йил якунлари бўйича миллий валютадаги пул массасининг ноинфляцион характерли динамикаси сақлаб қолиниб, унинг ўсиши 9 фоизни, чет эл валютасидаги депозитларнинг курс ўзгаришини ҳисобга олмаганда кенг маънодаги пул массаси 11 фоизга ошди.

Пул массаси таркибининг таҳлили валюта сиёсатининг либераллаштирилиши муомаладаги нақд пуллар ҳажмининг тез ўсиш суръатларининг мақбуллашувига хизмат қилганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, муомаладаги нақд пуллар миқдорининг ўзгариши 2017 йил биринчи ярим йиллигида 5,3 трлн. сўмни (ўсиш суръати 40 фоиз) ташкил этган бўлса, йилнинг иккинчи ярим йиллигида ушбу кўрсаткич 900 млрд. сўмгача (ўсиш суръати 4,8 фоиз) пасайди. Бунда ноябрь ва декабрь ойларида муомаладаги нақд пуллар миқдори мос равишда 681 ва 371 млрд. сўмга камайди.

3.1.2.3-чизма



Шунингдек, миллий валютадаги активларнинг хорижий валютадаги активларга нисбатан юқори даромадлилигини сақлаб туриш, миллий валютада жамғаришни рағбатлантириш ҳамда валюта курси ўзгариши тебранишларини минимал даражада бўлишига эришиш орқали миллий валюта барқарорлигини таъминлашга қаратилган фоиз сиёсатининг юритилиши 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида тижорат банкларидаги аҳоли маблағларининг ўсишига олиб келди. Жумладан, мазкур давр мобайнида жисмоний шахсларнинг тижорат банкларидаги муддатли депозитлари қолдиғининг қарийб 15 фоизга ошиши кузатилди.

Таъкидлаш жоизки, аҳолининг банклардаги муддатли депозитлари динамикаси Марказий банкнинг фоиз сиёсати йўналишларини аниқлашда ва уларнинг таъсирчанлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Хусусан, аҳолининг тижорат банклардаги муддатли депозитлари ҳажмининг ўсиши инфляцион кутилмаларнинг пасаяётганлигидан ва миллий валютага нисбатан ишончнинг ошаётганлигидан далолат беради. Бундан ташқари, пул массаси ўсишининг унинг таркибидаги узок муддатли депозитлар улушини ошириш ҳисобига таъминланиши инфляцион босимни жиловлоччи омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

3.1.3. Пул-кредит сиёсати инструментларидан фойдаланиш

2017 йилда пул-кредит сиёсати инструментлари ва чораларини қўллашда асосий эътибор инфляцияни жиловлаш мақсадларига қаратилди.

Бунда Марказий банк томонидан банк тизими ликвидлилигини самарали тартибга солиш ва пул массасини асосиз ўсишига йўл қўймаслик мақсадида тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварақлардаги қолдиқларининг ўзгариши омиллари ва хусусиятлари доимий мониторинг қилиб борилди.

Шунингдек, банк тизимида ликвидлиликни тартибга солишда банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари ва операциялари динамикасига бозор механизмлари орқали таъсир этиш чоралари кучайтирилди.


Банклараро пул бозори

2017 йилда банклараро пул бозорида амалга оширилган операциялар таҳлили мазкур даврда олиб борилган пул-кредит сиёсатининг ушбу бозордаги фоиз ставкалари динамикасига сезиларли таъсир қилганлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, Марказий банк қайта молиялаш ставкасини 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 9 фоизлик даражада ушлаб турилиши шароитида банклараро пул бозоридаги ўртача тортилган фоиз ставкасининг 8,0 – 9,1 фоиз оралиғида тебраниб туриши иқтисодиёт реал секторини кредитлаш жараёнларида ўз аксини топди.

Ҳисобот йилининг биринчи ярим йиллиги давомида кредитлар ва муомаладаги нақд пуллар ҳажми ўсиш суръатларининг жадаллашиши, шунингдек, Марказий банк томонидан чет эл валютасини сотиш ҳажмларининг оширилиши ва Ҳукумат ҳисобварақларида қўшимча маблағларнинг жамланиши банк тизимидаги ликвидлилик даражасини камайтирувчи асосий сабаб ва омиллардан бўлди.


3.1.3.1-чизма



Бунинг натижасида 2017 йил январь-июнь ойлари давомида тижорат банкларининг Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварақларидаги маблағлари жами қолдиғи йил бошига нисбатан 2,5 баробарга камайди. Бу эса ўз навбатида, банклараро пул бозоридан маблағлар жалб қилиш бўйича операциялар ҳажмининг сезиларли даражада ўсишига олиб келди.

Хусусан, 2017 йилда банклараро пул бозоридаги операциялар ҳажми 2016 йилга нисбатан 2 баробарга ошиб, қарийб 9,5 трлн. сўмни ташкил этди. Биргина 2017 йилнинг май ойида амалга оширилган операциялар ҳажми 2016 йилнинг мос ойига нисбатан 4,8 баробарга ўсиб, 1,2 трлн. сўмни ташкил этган.

3.1.3.2-чизма



Ликвидлилик борасида юзага келган вазиятни ҳисобга олиб, 2017 йилнинг июль ойидан бошлаб, Марказий банк томонидан тижорат банкларига хорижий валютани гаровга олган ҳолда қисқа муддатли кредитларни бериш амалиётининг ва «своп» операцияларининг жорий этилиши пул бозорида қисқа муддатли молиявий ресурслар бўйича таклиф ҳажмини ошириб, пул-кредит инструментларидан банк тизими ликвидлигини тартибга солишда самарали фойдаланиш имкониятларини кенгайтди.

Хусусан, Марказий банк томонидан тижорат банкларига ликвидлиликни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 2017 йилнинг июль ойида 689 млрд. сўм, август ойида 466 млрд. сўм ва сентябрь ойида 262 млрд. сўм миқдоридан ёки жами 1,4 трлн. сўм миқдорда қайта молиялаш кредитлари ажратилди.

Банк тизимидаги ликвидлилик билан боғлиқ ҳолатнинг яхшиланиши баробарида Марказий банк томонидан тижорат банкларига кредит ресурсларини тақдим этиш операциялари ҳажмлари босқичма-босқич қисқартириб борилди. Натижада 2017 йилнинг IV чорагида тижорат банкларига ажратилган кредитлар миқдори ҳисобот йилининг III чорагидаги кўрсаткичга нисбатан 76 фоизга камайиб, 337 млрд. сўмни ташкил этди.

Умуман олганда, 2017 йилнинг иккинчи ярмида Марказий банк томонидан 11 та тижорат банкка жами 1,75 трлн. сўмлик кредитлар тақдим этилган бўлиб, мазкур кредитларнинг асосий қисми тизимли аҳамиятга эга бўлган банклар ҳиссасига тўғри келди.

3.1.3.1-жадвал

Марказий банкнинг тижорат банклари билан амалга оширадиган операциялари бўйича фоиз ставкалари

Марказий банк кредитининг тури	Муддати	Фоиз
Хорижий валютани гаровга олган ҳолда ўзгармас фоиз ставкаси бўйича бериладиган кредитлар	1 ойгача	Қайта молиялаш ставкаси даражасида (14%)
	2 ойгача	Қайта молиялаш ставкаси + 0,25 фоиз
	3 ойгача	Қайта молиялаш ставкаси + 0,5 фоиз

Таъкидлаш жоизки, Марказий банк томонидан қайта молиялаш кредитларини бериш амалиётининг жорий этилиши пул-кредит сиёсатининг фоиз инструментлари трансмиссион каналининг самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Ушбу амалиёт, биринчи навбатда, банклараро пул бозоридаги фоиз ставкалари, тижорат банклари депозит ва кредитлари фоизлари, пул агрегатлари динамикасига самарали таъсир кўрсатиш ҳамда монетар омилларнинг инфляция даражасига таъсирини босқичма-босқич пасайтириш имконини берди.

Мазкур операцияларнинг жорий этилиши банк тизимида вужудга келган қисқа муддатли ликвидлилик бўйича танқисликни бартараф этиш ва тўлов тизимининг барқарорлигини сақлашга хизмат қилди.


Шунингдек, ҳисобот даврида Ҳукумат томонидан тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш учун 670 млн. АҚШ доллари миқдордаги молиявий ресурсларнинг йўналтирилиши тижорат банклари ликвидлилик ҳолатининг яхшиланишида муҳим аҳамият касб этди.

Ушбу маблағлардан кредит олиш учун гаров таъминоти сифатида ҳамда мажбурий захиралаш талабларини бажаришда сўмдаги маблағлар ўрнига фойдаланилиши ҳисобига тижорат банкларида қўшимча ликвидлик шакллантириш имконияти яратилди.

Мажбурий захиралар динамикаси

Марказий банкнинг мажбурий захиралар инструменти тижорат банклари ликвидлигини тартибга солишнинг муҳим инструментларидан бири бўлиб, 2017 йил давомида пул агрегатларининг динамикаси ва уларнинг мақсадли прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий захира талаблари муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан ушлаб турилди.

3.1.3.3-чизма



Тижорат банклари томонидан Марказий банкда шакллантирилган мажбурий захиралар ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи 2017 йил бошига (3,9 трлн. сўм) нисбатан 28,6 фоизга кўпайиб, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 5,0 трлн. сўмни ташкил этди. Ушбу ўсиш тижорат банклари депозит базасининг реал ошиши ҳамда миллий валюта айирбошлаш курсининг кескин пасайиши натижасида хорижий валютадаги депозитларнинг миллий валютадаги эквивалентининг ошиши билан изоҳланади.

Шунингдек, 2017 йилда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралар тузилмасида миллий валютадаги маблағлар улушининг кескин пасайиши кузатилди. Хусусан, мажбурий резервлар таркибида миллий валюта маблағлари улуши 2017 йил бошида 60 фоиздан йил охирига келиб 4 фоизгача камайди.

Бу эса ўз навбатида, ҳисобот йили давомида банк тизимида миллий валютадаги ликвидликка бўлган талабнинг юқори даражада сақланиб турганлигини акс эттириб, банклар томонидан юзага келган сўмдаги ликвидлик танқислигини қоплашда мажбурий захиралардаги миллий валютадаги маблағлар асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилганлигини англатади.

3.1.4. Банклараро пул бозори фаолияти таҳлили

Ҳисобот йилининг биринчи ярим йиллиги охирида Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 9 фоиздан 14 фоизгача оширилиши банклараро пул бозоридаги операциялар бўйича фоизлар динамикасига ўз таъсирини ўтказди. Хусусан, банклараро пул бозорида ўртача фоиз ставкалари январь-июнь ойларидаги 8,0-9,1 фоиздан июль-декабрь ойларида 12-13,1 фоизгача ошди.

Қайд этиш лозимки, 2017 йилнинг IV чорагида банк тизимида ликвидлик ҳажми ошган бўлса-да, унинг асосий қисми алоҳида йирик банклар ҳиссасига тўғри келганлиги сабабли, банклараро пул бозорида фоиз ставкалари мос равишда пасаймади.

Бунда айрим йирик банклар бўйича ликвидликнинг оширилиши уларнинг ўз мижозлари олдидаги қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш мақсадларида амалга оширилган бўлиб, ушбу молиявий ресурслар банклараро пул бозорида таклиф ҳажмига таъсир қилмади.

Натижада 2017 йилнинг октябрь-декабрь ойларида банклараро пул бозоридаги ўртача тортилган фоиз ставкасининг 11,8 фоиздан 13,1 фоизгача ошиши кузатилди.

Таъкидлаш жоизки, банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг ошиб бориши, ўз навбатида, тижорат банклари кредитлари бўйича фоиз ставкаларининг ошишига ўз таъсирини ўтказди.

Хусусан, банк кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси (имтиёзли кредитлар ҳисобга олинмаганда) 2017 йилнинг биринчи ярим йиллигида 14,1 фоизни ташкил этган бўлса, ҳисобот йилининг охирига келиб ушбу кўрсаткич 18,5 фоизгача кўтарилди.

Фоиз ставкаларининг ўзгаришига, шунингдек, банкларда ликвидлилик миқдорининг камайиши ва банклараро пул бозорида тижорат банклари ўртасидаги операциялар ҳажмининг қисқариши ҳам таъсир кўрсатувчи омиллардан бўлди.

3.2. Нақд пул муомаласини ташкил этиш

Республикада ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш, хусусан, иқтисодиётдаги нақд пулга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб банкнотлар ва тангалар бўйича узлуксиз таъминотни ташкил этиш ҳамда муомалага чиқарилган нақд пул² таркибини оптималлаштириб бориш Марказий банкнинг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

2017 йил давомида Марказий банк томонидан нақд пул муомаласини ташкил этиш борасидаги ишлар «Монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг банк тизими фаолиятига доир фармон ва қарорларига мувофиқ амалга ошириб борилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 февралдаги «Иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендияларни тўлаш механизмини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2753-сонли Қарорига асосан 2017 йилнинг февраль ойидан бошлаб:

- барча турдаги пенсиялар бутун мамлакат ҳудудида ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда берилиши;

- мамлакатимиз ҳудудларидаги 58 та тоғли ва олис туманлардаги бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи тўлаш, ижтимоий тўловлар ҳеч қандай чекловларсиз тўлиқ ҳажмда нақд шаклда амалга оширилиши;

- олий ўқув юртлари талабаларига стипендияларнинг камида 50 фоизи нақд шаклда берилиши жорий қилинди.

Натижада 2017 йилнинг **биринчи ярми** давомида банк кассаларидан ушбу ва бошқа мақсадларда амалга оширилган нақд пулдаги тўловлар ҳажми 17,1 трлн. сўмни ташкил этди.

² Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги ҳамда Марказий банк ва тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар.

Айниқса, иш ҳақи, пенсия ва нафақа тўловларини етарли миқдорда нақд пуллар билан таъминлаш мақсадида қўшимча равишда муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми 2017 йилнинг февраль-июнь ойларида сезиларли даражада юқори бўлди.

2017 йилнинг январь ойида қўшимча равишда 340,2 млрд. сўм нақд пуллар муомалага чиқарилган бўлса, бу кўрсаткич февраль ойида – 1 308,0 млрд. сўмни, март ойида – 1 170,7 млрд. сўмни, апрель ойида – 978,8 млрд. сўмни, май ойида – 882,6 млрд. сўмни, июнь ойида – 749,0 млрд. сўмни ёки январь-июнь ойларида жами 5 429,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Бунинг натижасида 2017 йилнинг 1 июль ҳолатига келиб, муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми йил бошига нисбатан 40,9 фоизга ошиб, 18,7 трлн. сўмга етди.

2017 йилнинг **иккинчи ярмида** валюта бозорини либераллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сентябрь ойидан бошлаб, тижорат банклари кассаларига нақд пул тушумлари ҳажмининг муайян ўсиши кузатилди.

Хусусан, тадбиркорлик субъектларига хорижий валютани ҳеч қандай чекловларсиз сотиб олиш ва валюта маблағларини эркин тасарруф этиш имконияти яратилиши нақд ва нақдсиз пул ўртасидаги тафовутга ҳамда ишлаб чиқарувчилардан товарларни нақд пулсиз сотиб олишдаги мавжуд муаммоларга барҳам бериб, тадбиркорлик субъектлари томонидан нақд пул тушумларини банк кассаларига топширилишини рағбатлантирмоқда.

Шунингдек, аҳолидан хорижий валюталарнинг банк валюта айирбошлаш шохобчалари орқали бозор механизмлари асосида шаклланган алмашув курслари бўйича сотиб олинишининг жорий қилиниши жисмоний шахсларнинг чет эл валютасидаги амалиётларининг ҳамда ушбу амалиётлар билан боғлиқ нақд пул айланмасининг банк секторига ўтишини таъминлади.

Жумладан, банк кассаларига товарлар сотишдан тушган нақд пуллар ҳажми 2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичга нисбатан 2,4 баробарга (7,8 трлн. сўмга), пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушумлар 2,4 баробарга (2,4 трлн. сўмга), аҳоли томонидан банк омонатларига қўйилган нақд пуллар ҳажми 1,3 баробарга (800 млрд. сўмга), солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлардан тушумлар қарийб 4 баробарга (2,5 трлн. сўмга) ҳамда бошқа соҳалардан тушумлар 2,9 баробарга (2,4 трлн. сўмга) ошган.

Нақд пулларнинг банклар орқали айланиши ҳажмининг кескин даражада кўпайиши билан бирга, 2017 йилнинг охириги 2 ойида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмининг босқичма-босқич қисқаришига ҳам эришилди.

Жумладан, 2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида банк кассаларига 27,7 трлн. сўм ёки биринчи ярим йилликка нисбатан 2,3 баробар кўп нақд пуллар келиб тушган бўлса, айнан шу даврда банк кассаларидан амалга оширилган нақд пулдаги тўловлар 28,6 трлн. сўмни ёки биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичдан 1,7 баробарга кўп миқдорни ташкил этди.

Бунинг натижасида июль-декабрь ойларида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми йилнинг биринчи ярим йиллигидаги кўрсаткичга нисбатан 73 фоизга камайиб, 1,5 трлн. сўмни ташкил этди.


Нақд пулдаги тўловлар ҳажмининг ўсишига банк кассаларига нақд пул тушумларининг кўпайиши билан бир қаторда, 2017 йилнинг июль-декабрь ойлари давомида:

- аҳолининг банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш мақсадида, тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали аҳолидан нақд хорижий валютани сотиб олиш учун тижорат банклари филиалларини етарли миқдорда сўмдаги нақд пуллар билан таъминлаш учун 3 834,7 млрд. сўм;

- иш ҳақи, пенсия ва нафақа бўйича тўловларнинг ҳамда пахта йиғим-терим мавсумида теримчиларга терилган пахта ҳосили учун ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш учун 2 172,6 млрд. сўм миқдоридagi нақд пуллар билан таъминланганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатди.


2017 йилда банк кассаларига тушган **нақд пул тушумлари** тушум манбалари бўйича таҳлили натижаларига кўра, умумий нақд пул тушумидаги товарларни сотишдан тушум улуши 47 фоизни (18,7 трлн. сўм), пуллик хизмат кўрсатиш соҳасидан тушум – 15 фоизни (5,9 трлн. сўм), аҳолининг банк омонатларига қўйилмалари – 14 фоизни (5,6 трлн. сўм), солиқлар ва бошқа мажбурий йиғимлар – 11 фоизни (4,2 трлн. сўм), бошқа манбалардан тушум – 13 фоизни (5,1 трлн. сўм) ташкил этди.

3.2.1.1-чизма




2017 йилда банк кассаларидан **чиқим қилинган нақд пулларни** тўлов мақсадлари бўйича таҳлили натижаларига кўра, банк кассаларидан жами 45,6 трлн. сўм чиқим қилинган бўлиб, уларнинг 34 фоизи ижтимоий тўловларга, 32 фоизи иш ҳақи тўловларига, 15 фоизи нақд чет эл валютасини сотиб олишга, 15 фоизи аҳолининг банклардаги ҳисобварақларидан (*омонатлар ва банк карталари*) маблағлар ҳисобидан нақд пуллар беришга ва 4 фоизи бошқа нақд пулдаги чиқимлар ҳиссасига тўғри келади.

3.2.1.2-чизма



Юқоридаги омиллар таъсирида муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажми 2017 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида (июнь ойини ҳисобга олмаганда) доимий равишда ошиб бориб, 2017 йилнинг 1 ноябрь ҳолатига 21,2 трлн. сўмга етган бўлса, декабрь ойи охирига келиб 20,2 трлн. сўмгача камайди.

3.2.1.3-чизма



2017 йил давомида Марказий банкнинг нақд пул муомаласини ташкил этиш борасидаги фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши сифатида муомалага чиқарилган нақд пул таркибини оптималлаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 10 000 (ўн минг) сўмлик банкнотнинг намунаси ва дизайни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 20 февралдаги КҚ-147-III-сонли қарорига асосан маъқулланиб, 2017 йилнинг 10 мартдан бошлаб муомалага чиқарилди.


Шунингдек, нақд пулдаги ҳисоб-китобларда аҳолига қулайликлар яратиш мақсадида 50 000 (эллик минг) сўмлик банкнотнинг намунаси ва дизайни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2017 йил 14 августдаги КҚ-218-III-сонли қарорига асосан маъқулланиб, 2017 йилнинг 22 августдан бошлаб муомалага чиқарилди.

Қайд этиш лозимки, йирик қийматдаги банкнотларнинг муомалага чиқарилиши табиий равишда жами 2,0 трлн. сўмдан зиёд 500 сўмлик ва 1000 сўмлик банкнотларнинг муомаладан қайтишига сабаб бўлди.

Бу эса ўз навбатида, муомаладаги банкнотларнинг сони бўйича таркибий тузилишида сезиларли ўзгаришига олиб келди.

3.2.1.4-чизма

**2017 йилда муомаладаги нақд пулларнинг сони
бўйича таркибий ўзгариши, фоизда**




Жумладан, 2017 йил бошида муомалага чиқарилган нақд пулларнинг умумий сонида 500 сўм қийматгача бўлган банкнотлар улуши 17,2 фоизни, 1000 сўмлик банкнотлар улуши 68,9 фоизни, 5000 сўмлик банкнотлар улуши 13,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2017 йил якунига келиб муомаладаги банкнотлар сонида 500 сўмгача бўлган купюралар 13 фоиз, 1000 сўмлик – 60,2 фоиз, 5000 сўмлик – 19,5 фоиз, 10 000 сўмлик – 6,6 фоиз ва 50 000 сўмлик – 0,7 фоиз улушга эга бўлди.

Бунда муомаладаги банкнотлар умумий сонида 1000 сўмлик банкнотлар улушининг юқорилиги Марказий банкнинг ушбу қийматдаги пул белгиси 2001 йилда муомалага чиқарилганлиги ва ушбу давр мобайнида муомалага асосан 1000 сўмлик банкнотлар эмиссия қилинганлиги билан изоҳланади.

Банкнотларнинг сони жиҳатдан таркибий тузилишидаги ўзгаришлар, шу жумладан, муомалага янги йирик банкнотларнинг чиқарилиши, ўз навбатида, муомалага чиқарилган нақд пул ҳажмининг банкнотлар кесимидаги тузилмасида ҳам ижобий ўзгаришлар юз беришининг муҳим омили бўлди.

3.2.1.5-чизма

2017 йилда муомаладаги нақд пуллар ҳажмининг таркибий ўзгариши, фоизда



Хусусан, 10 000 сўмлик ва 50 000 сўмлик банкнотларнинг муомалага чиқарилиши ҳисобига муомалага чиқарилган нақд пуллар ҳажмида 5000 сўмлик банкнотлар улуши 11,1 фоиз бандга, 1000 сўмлик банкнотларнинг улуши қарийб 24,6 фоиз бандга, 500 сўмлик банкнотлар улуши 3,1 фоиз бандга, 200 сўмлик, 100 сўмлик ва тангаларнинг улуши 0,14 фоиз бандга камайганлигини ҳамда ушбу камайиш 10 000 сўмлик ва 50 000 сўмлик банкнотлар улушининг мос равишда 24,8 фоиз ва 14,0 фоиз бандга етказилиши ҳисобига тўлдирилди.

Умуман олганда, 2017 йилда Марказий банк томонидан иқтисодиётда нақд пул муомаласини ташкил этиш юзасидан амалга оширилган чоратадбирлар натижасида сўнгги йилларда республикада нақд пул таъминоти борасида шаклланган мураккаб вазиятга деярли тўлиқ барҳам берилиб, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг нақд пулга бўлган эҳтиёжини қондириш борасида ижобий натижаларга эришилди.

3.3. Валюта сиёсати

3.3.1. Валютани тартибга солиш соҳасидаги ислохотлар

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида валютани тартибга солишда замонавий бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, 2017 йил I ярим йиллиги давомида Марказий банк томонидан амалдаги валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилишга йўналтирилган кенг қамровли ислохотларга тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Мазкур ислохотлар тамойилларини ишлаб чиқишда, асосий эътибор, валюта бозорини янада либераллаштириш, шу жумладан, миллий валюта курсини белгилашнинг бозор механизмларини жорий қилиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг валюта маблағларини эркин тасарруф қилиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишга қаратилди.

Хусусан, валюта сиёсатини либераллаштириш борасидаги дастлабки қадам сифатида республика экспорт салоҳиятини ошириш ва маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 30 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 449-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра биржадан ташқари валюта бозоридаги валюта олди-сотди операциялари тижорат банклари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар асосида бозор курси бўйича амалга оширилиши тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3157-сонли Қарорига биноан 2017 йил 1 августдан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарларни (ишларни, хизматларни) экспорт қилишдан тушадиган валюта тушумининг 25 фоизини мажбурий сотиш талаби бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши билан эса мамлакатимизда валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича ислохотларнинг фаол босқичига ўтилди.

Мазкур Фармонга мувофиқ, 2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб миллий валютанинг алмашув курсини фақатгина бозор механизмлари асосида, яъни валюта бозорида чет эл валюталарига бўлган талаб ва таклифга асосан белгилаш тартиби жорий қилинди.

Шунингдек, юқоридаги Фармон билан тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли учун қуйидаги қулайликлар яратилди:

- юридик шахсларга товарлар импорти, даромад репатриацияси, кредитларни қайтариш, хизмат сафари харажатларини тўлаш ва бошқа носавдо ўтказмалар (жорий халқаро операциялар) учун тижорат банкларида чет эл валютасини чекловсиз сотиб олиш имкони яратилди;

- резидент-жисмоний шахсларга чет эл валютасини тижорат банкларининг конверсион бўлимлари орқали сотиб олиш ва уларни чет элда ҳеч қандай чекловларсиз ишлатиш имкони яратилди;

- мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча экспортёрларнинг чет эл валютасидаги тушумини мажбурий сотиш бўйича талаб бекор қилинди;

- якка тартибдаги тадбиркорларга чет эл валютасини жисмоний шахслар учун ўрнатилган тартибда сотиб олишга ҳамда банк ҳисобварағи орқали товарлар ва хизматлар импорти учун тўлашга рухсат берилди;

- чет эл валютасида даромад олувчи якка тартибдаги тадбиркорлар, шунингдек, фермер хўжаликларига ўз банк ҳисобварақларидаги чет эл валюталарини нақд кўринишида олиш ҳуқуқи берилди;

- юридик шахсларга дивидендларини чет эл валютасида тўлаш ҳуқуқи берилди.

Фармон талабларидан келиб чиқиб, юридик ва жисмоний шахслар учун қулай ишбилармонлик муҳитини яратишга қаратилган бир қатор қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилди ҳамда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мазкур Фармон талабларига мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан миқозлар учун:

- чет элга пул жўнатмаларини амалга оширишда жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, уларнинг банк карталаридаги сўм маблағларини чет эл валютасига автоматик тарзда конвертация қилиш;

- халқаро пул ўтказмалари орқали жисмоний шахсларга келиб тушаётган чет эл валютасидаги пул маблағларини уларнинг хоҳишига кўра миллий валютада бериш;

- конверсион карталар орқали меҳмонхона, авиачипта ҳамда онлайн-магазинлардаги харидлар ва бошқа мақсадларда интернет-тўловларни амалга ошириш каби янги қулай хизмат турлари жорий этилди.

Шу билан бирга, Фармонда Марказий банкка 2018 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунлари бўйича мазкур Фармонда белгиланган нормалар таъсирининг таҳлилидан келиб чиқиб ҳамда валюта сиёсатининг иқтисодий ривожлантириш, шу жумладан, бизнес ва инвестициявий муҳитни яхшилашга хизмат қилишни таъминлаш мақсадида «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш топшириғи берилди ва ҳозирда бу борада тегишли ишлар амалга оширилмоқда.

Ҳозирда Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича амалга оширилаётган ишлар доирасида ривожланган ва етакчи ривожланаётган давлатларнинг бу соҳадаги тажрибаси чуқур ўрганилмоқда. Ўрганишлар якуни бўйича тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда валюта операцияларини тартибга солишни соддалаштириш ҳамда валюта бозори фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштириш каби муҳим вазифаларни назарда тутувчи Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Шунингдек, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг бошланғич даврида валюта бозори ва айирбошлаш курси барқарорлигини таъминлаш ҳамда ички валюта бозорида спекулятив операцияларни олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 октябрда «Капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операцияларини тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3333-сонли Қарори қабул қилинди.

Мазкур Қарор ижроси юзасидан Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Низомга ўзгартириш киритилди ҳамда «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири қабул қилингунга қадар:

- 10 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элда инвестиция фаолиятини амалга ошириш (резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини ёки улушли иштирокини шакллантириш, чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш);

- резидентлар томонидан кредитлар ва пул, товарлар (хизматлар) кўринишида қарз ажратиш ҳамда норезидентларга лизинг объектларини бериш;

• резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулк сотиб олиш учун кўчириш бўйича валюта операцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг тегишли халқаро шартномасига асосан амалга оширилишини назарда тутувчи вақтинчалик тартиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 ноябрдаги «Ташқи савдо фаолиятини янада эркинлаштириш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3351-сонли Қарори қабул қилиниши натижасида:

• экспорт тушумининг келиб тушиш муддати – 120 календарь кунга узайтирилди (савдо уйларига чиқарилган товарлар учун – 180 кун);

• тадбиркорлик субъектларига товарлар, ишлар ва хизматлар экспортини олдиндан тўлов, очилган аккредитив, расмийлаштирилган банк кафолати ва экспорт контрактини сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта қилиш бўйича полис мавжуд бўлмасдан чет эл валютасида экспорт қилиш ҳуқуқи берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 ноябрдаги «Мева-сабзавот маҳсулотлари, узум, полиз, дуккакли экинлар, шунингдек, қуритилган сабзавот ва меваларни маҳаллий экспорт қилувчиларни қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3377-сонли Қарори билан мева-сабзавот маҳсулотларини инвойс асосида контракт тузмасдан экспорт қилишга (20 минг АҚШ доллари эквиваленти доирасида) рухсат берилди.

Бунда Ўзбекистон Республикасининг тижорат банкларидаги ҳисобварақларга Ўзбекистон Республикаси норезидентларидан чет эл валютасида, шу жумладан, банк ўтказмалари, халқаро банк карталари орқали тўловлар, шунингдек, тижорат банкларининг айирбошлаш шохобчаларида сотиб олинган миллий валютадаги нақд пул маблағларини киритиш орқали 100 фоизлик олдиндан тўлов олиш шаклларида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги «Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5276-сонли Фармони билан жисмоний шахсларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани ҳеч қандай рухсатномаларсиз чет элга олиб чиқилиши миқдори 2 мингдан 5 минг АҚШ долларигача оширилди.


3.3.2. Валюта бозоридаги операциялар таҳлили

Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича ислохотлар доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун хорижий валюталарни ҳеч қандай чекловларсиз сотиш ва сотиб олиш механизмининг жорий этилиши натижасида Республика валюта биржасида амалга оширилган валюта савдолари ҳажмининг кескин ошиши кузатилди.

Хусусан, 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида Республика валюта биржасида чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалга оширилган операциялар ўртача ойлик миқдори 2017 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга нисбатан 60 фоизга, яъни 461,5 млн. АҚШ долларидан 740,8 млн. АҚШ долларигача ошган.

Чет эл валютасини сотиш ўртача ойлик миқдори эса 2017 йилнинг январь-июнь ойларидаги кўрсаткичга (172 млн. АҚШ доллари) нисбатан 4 баробардан кўпроқ ошиб, сентябрь-декабрь ойларида 740,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

3.3.2.1-чизма




Ҳисобот йилининг январь-август ойлари давомида валюта курсининг юқори суръатларда девальвация қилиниши натижасида Республика валюта биржасидаги савдоларда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси 31 фоизга пасайди.

3.3.2.2-чизма



2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида белгиланишига ўтилиши ҳисобига унинг қийматининг кескин пасайиши ҳамда ҳисобот йилининг сентябрь-декабрь ойлари давомида валюта бозорида чет эл валютасига бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро мутаносиб шаклланиши натижасида мазкур даврда миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан алмашув курси барқарорлашиб, 8049,0 – 8138,0 сўм (1 фоиз) оралиғида ўзгариб турди.

3.3.2.3-чизма



Ўз навбатида, 2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида миллий валюта курсининг нисбатан барқарор бўлиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларида алмашув курсининг келгусидаги динамикасига доир барқарор кутилмаларнинг шаклланишига ва инфляция даражасига девальвация омили таъсирининг пасайишига хизмат қилди.

Валюта бозорини эркинлаштиришнинг дастлабки босқичида Марказий банк томонидан хорижий валютага бўлган талаб ва таклиф ўзгариши натижасида юзага келган айирбошлаш курсидаги қисқа муддатли тебранишларни олдини олишга қаратилган интервенция операциялари амалга ошириб борилди.

Бунда ички валюта бозорида чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш ҳажмларининг ўзаро мутаносиб шаклланиши ҳисобига интервенция операцияларининг соф ҳажми йил якуни бўйича деярли нолга тенг бўлди ёки бошқача қилиб айтганда, ушбу операцияларнинг ўтказилиши Марказий банк валюта захиралари ҳажмига таъсир қилмади.

Ҳисобот йили якуни бўйича ялпи олтин-валюта захираларининг ҳажми 26,4 млрд. АҚШ долларидан 28,1 млрд. АҚШ долларигача, яъни 6,2 фоизга ошди.

Соф олтин-валюта захиралари ҳажми эса ҳисобот йили давомида 5,5 фоизга (1,4 млрд. АҚШ долларига) ошиб, 26,6 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Бунда соф олтин-валюта захираларини ҳисоблашда тижорат банклари ва давлат бошқаруви органларининг (Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бундан мустасно) Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги валюта маблағлари ҳисобга олинмаган.

Юқоридаги ўсиш, асосан, 2017 йил давомида жаҳон бозорида олтин нархининг 12 фоизга ўсиши (1 трой унцияси ҳисобида 1 159,10 АҚШ долларидан 1 296,50 АҚШ долларигача) ҳамда олтин захираси ҳажмининг 2,4 фоизга ошиши билан изоҳланади.

Валюта бозорида юридик шахслар томонидан амалга оширилган операциялар. 2017 йил давомида хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш бўйича амалга оширилган операциялар ҳажми 2016 йилга нисбатан қарийб 1,7 баробарга кўпайиб, 7,3 млрд. АҚШ долларини ташкил этди.

Шу билан бирга, мазкур субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиш бўйича амалга оширилган операциялар ҳажми эса 2016 йилга нисбатан қарийб 3,3 баробарга ошган ҳолда 5,1 млрд. АҚШ долларини ташкил қилган.

Валюта бозорида амалга оширилган операцияларнинг асосий қисми ёки қарийб 70 фоизи Тошкент шаҳри ҳиссасига тўғри келган. Таъкидлаш жоизки, валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар бошқа ҳудудлардаги хўжалик юритувчи субъектларнинг валюта бозоридаги фаоллигининг ошишига хизмат қилди.

Жумладан, 2017 йил якуни бўйича Тошкент шаҳридан бошқа ҳудудларда жойлашган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш ва сотиш бўйича амалга оширилган операциялар умумий айланмасининг ҳажми 2016 йилга нисбатан қарийб 1,5 баробарга ошган.

Жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операциялари

2017 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб тижорат банкларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали аҳолидан чет эл валютасини бозор курси бўйича сотиб олишнинг йўлга қўйилиши натижасида ҳисобот йилининг сентябрь-декабрь ойларида жами 854 млн. АҚШ доллари миқдорида нақд чет эл валютаси сотиб олинди.

Бу эса, ҳисобот йилининг январь-август ойларида тижорат банклари томонидан аҳолидан сотиб олинган чет эл валютаси ҳажмига (8,1 млн. АҚШ доллари) нисбатан 105 баробар кўп демакдир.


Йиллик ҳисобда эса 2017 йил якуни бўйича аҳолидан сотиб олинган чел эл валютаси ҳажми 2016 йилга нисбатан (12,3 млн. АҚШ доллари) 70 баробарга ошиб, 862,3 млн. АҚШ долларини ташкил этди.

Аҳолидан сотиб олинган жами валютанинг 32 фоизи (275,2 млн. АҚШ доллари) Тошкент шаҳри, 10 фоизи (81,8 млн. АҚШ доллари) Самарқанд вилояти, 9 фоизи (79,5 млн. АҚШ доллари) Фарғона вилояти, 8 фоизи (67,6 млн. АҚШ доллари) Андижон вилояти ва 7 фоизи (60,9 млн. АҚШ доллари) Наманган вилояти ҳиссасига тўғри келади.

2017 йил давомида тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга чет эл валютасини сотиш операциялари ҳажми 184,9 млн. долларни ташкил этди.

Умуман олганда, валюта бозоридаги ижобий ўзгаришлар валюта сиёсатининг эркинлаштирилганлиги ва бунинг натижасида аҳолининг ҳамда тадбиркорлик субъектларининг банк тизимига бўлган ишончининг ортиши, шунингдек, уларнинг норасмий сектордан банк секторига ўтишлари билан баҳоланиб, бу жараён тобора жадаллашиб бормоқда.

3.3.2.4-чизма



3.4. Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йили давомида Марказий банк томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 50-моддасида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш бўйича ишларни янада кучайтириш ва такомиллаштириш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунда банк назорати бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда асосий эътибор, валюта бозорини либераллаштириш шароитида тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ва ликвидлигини таъминлашга қаратилди.

3.4.1. Банклар фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш

Ҳисобот йилининг июль-август ойларида валюта сиёсатини либераллаштиришга тайёргарлик жараёнида ҳар бир тижорат банкнинг ликвидлилик ҳолати ва молиявий барқарорлиги стресс-тестдан ўтказилди.

Ўтказилган стресс-тест натижаларидан келиб чиқиб, банкларнинг капиталлашув даражаси ва ликвидлигига қўйилган талаблар янада кучайтирилди.

Хусусан, банкларда тўловларнинг ўз вақтида ўтказиб борилишини таъминлаш мақсадида янги лаҳзалик ликвидлилик коэффиценти жорий этилди. Мазкур ликвидлилик коэффиценти исталган вақтда банк томонидан талаб қилиб олингунча депозитлар бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун тижорат банкларида 15 фоиз миқдорида юқори ликвидли активлар захираси сақлаб турилишини кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарори билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда илғор банк амалиёти асосида банк-молия тизимини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар комплекси»га мувофиқ:

2017 йил 1 октябрдан бошлаб тижорат банклари устав капиталининг энг кам миқдори 100 млрд. сўм этиб белгиланди;

- банк назоратини халқаро меъёр ва стандартларга мувофиқ янада такомиллаштириш, жумладан, банк капитали етарлилиги кўрсаткичини Банк назорати бўйича Базель кўмитасининг (Базель III стандартлари) тавсияларига мувофиқлаштириш мақсадида 2017 йил 1 январдан бошлаб банк регулятив капитали етарлилиги бўйича меъёр 12,5 фоиз, биринчи даражали капитал етарлилиги бўйича меъёр эса 9,5 фоиз миқдорида белгиланди;

- тижорат банклари ликвидлигини ошириш мақсадида активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун шакллантириладиган захиралар маблағларини Марказий банкдаги мажбурий захиралар депозитларига ўтказиш тартиби бекор қилинди.

2017 йилда банклар фаолиятини лицензиялаш тартиби ҳам қайта кўриб чиқилиб, тижорат банкларига чет эл валютасида операцияларни амалга ошириш бўйича алоҳида лицензия бериш амалиёти тугатилди ҳамда тижорат банкларига барча банк фаолияти турлари билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ягона лицензия бериш тартибига ўтилди.

Банк хизматларини кўрсатишда мижозлардан ортиқча ва асоссиз оширилган тўловларнинг ундирилишининг олдини олиш ҳамда шу орқали банк хизматлари жозибадорлигини ошириш мақсадида тижорат банкларининг тариф сиёсатларини оптималлаштириш бўйича Марказий банк томонидан тижорат банкларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Ушбу кўрсатмаларга мувофиқ, тижорат банкларида 187 та хизмат турлари тарифлари қайта кўриб чиқилиб, 63 та хизмат турлари бепул амалга оширилиши жорий қилинди, 86 та хизмат турлари бўйича эса тарифлар 15 фоиздан 95 фоизгача арзонлаштирилди. Шунингдек, хорижий валютада ўрнатилган 7 та хизмат ҳақлари миллий валютага ўтказилди.

Хусусан, 10 та кредит ажратиш бўйича, 12 та бухгалтерия ҳисобини юритиш ва банк ҳисобварақлари очиш бўйича, 9 та хорижий валютадаги хизматлар бўйича, 11 та пластик карталарига хизмат кўрсатиш бўйича, 17 та жисмоний шахсларга кўрсатиладиган чакана банк хизматлари бўйича ва 4 та бошқа хизматлар бўйича мижозлардан олинadиган хизмат ҳақлари бекор қилинди.

Кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш механизмларини, шу жумладан, уларнинг фаолиятида юзага келадиган муаммоларни дастлабки босқичларда аниқлаш ва такомиллаштириш бўйича зарурий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, тасдиқлаш ва амалиётга жорий қилиш юзасидан бошқа алоқадор давлат идоралари, шунингдек, халқаро ташкилотлар (Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки ва бошқалар) билан ҳамкорлик қилинмоқда.

2017 йилда тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар билан бир қаторда, Марказий банкнинг банк тизими барқарорлигини, омонатчилар, қарз олувчи ва кредиторларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган назорат вазифаларидан келиб чиқиб, банклар ва уларнинг филиалларида комплекс ва тематик характердаги текширувлар ўтказиб борилди.

Хусусан, масофадан назорат қилиш натижалари ва Марказий банк Кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатини кўриб чиқиш комиссиясининг тегишли қарорларига асосан, 2017 йил давомида «Микрокредитбанк» АТБ, «Ўзсаноатқурилишбанки» АТБ, АТ «Алоқабанк», «Ипак Йўли» АИТБ, «Асака» АТБ ҳамда АТ Халқ банкининг фаолияти комплекс инспекциядан ўтказилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан алоҳида масалалар юзасидан, шунингдек, жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва суд органларининг сўровларига асосан тижорат банклари фаолияти бўйича 1 329 та текширишлар ўтказилди.

Банкларда комплекс инспекция ўтказилишида асосий эътибор, уларнинг фаолиятида мавжуд бўлган хавф-хатарларни аниқлаш, уларнинг молиявий ҳолатига баҳо бериш, амалдаги қонун ҳужжатлари ҳамда Марказий банкнинг иқтисодий нормативларига риоя қилинишини ўрганишга қаратилди.

Комплекс текширувлар натижаларига кўра, Марказий банк Кредит ташкилотларининг молиявий ҳолатини кўриб чиқиш комиссиясининг тегишли қарорларига асосан фаолиятида камчиликларга йўл қўйган банкларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

2017 йил давомида Марказий банк томонидан тижорат банкларининг омонатчилари ва кредиторлари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борилган назорат ва мониторинг натижалари бўйича «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасига асосан Марказий банкнинг амалдаги меъёрий ҳужжатлари талабларини бажармаган тижорат банклари ва уларнинг филиалларига нисбатан 165 та ҳолат бўйича 8,3 млрд. сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий нормативларга риоя этилиши юзасидан аниқланган 122 та ҳолат бўйича жами 3,9 млрд. сўм миқдорида, жойида ўтказилган инспекция текширувлари натижасида аниқланган 9 та ҳолат бўйича қарийб 1 млрд. сўм миқдорида, валюта операциялари бўйича белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан аниқланган 22 та ҳолат бўйича 2 млрд. сўм миқдорида ҳамда ички назорат талабларига риоя этилиши юзасидан аниқланган 11 та ҳолат бўйича 1,5 млрд. сўм миқдорида жарима чоралари қўлланилган.

Юқорида келтирилган банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида республикамизда валюта сиёсатини либераллаштирилиши шароитида тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ликвидлилиги таъминланиб келинмоқда.

3.4.2. Нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш

Ҳисобот йилида Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда уларнинг фаолияти устидан назоратни кучайтириш борасида ҳам қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3270-сонли Қарорига мувофиқ, устав фондининг энг кам миқдори микрокредит ташкилотлари учун 2,0 млрд. сўм ва ломбардлар учун 500 млн. сўм қилиб белгиланди.

Бундан ташқари, юқорида қайд этилган Президент қарорига мувофиқ нобанк кредит ташкилотлари учун маблағларни жалб қилиш бўйича иқтисодий нормативларни татбиқ этиш орқали уларнинг молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фаолиятини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, улар томонидан шакллантирилган устав фонди миқдоридан ошмаган миқдорда банк кредитларини, юридик шахсларнинг ва жисмоний шахс-таъсисчиларининг маблағлари жалб қилиниши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-сонли БҲМС) «Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» талабларининг ломбардларга нисбатан татбиқ этилиши бекор қилиниши муносабати билан ломбардлар учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи билан боғлиқ барча талаблар, жумладан, ломбардлар бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий қоидалари, бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасини ўз ичига олган «Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида»ги низом ишлаб чиқилди ва амалиётга татбиқ этилди.

Марказий банк томонидан нобанк кредит ташкилотларининг фаолиятини молиявий ҳисоботлар асосида масофадан туриб (дистанцион) ҳамда жойида текшириш ўтказиш йўли билан назорат қилиш ва тартибга солиш тизими жорий қилинган.

Хусусан, микрокредит ташкилотлари фаолиятини масофадан назорат ва мониторинг қилиш мақсадида барча микрокредит ташкилотлари томонидан Банк тизими маълумотлар омборига (БТМО) юборилаётган электрон маълумотлар асосида уларнинг фаолияти мунтазам таҳлил қилиб борилмоқда.

Шунингдек, Марказий банк Бошқарувининг 2016 йил 28 декабрдаги 41/6-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2017 йилда нобанк кредит ташкилотлари фаолиятини текшириш режаси»га кўра, ўтган йил давомида жами 74 та нобанк кредит ташкилоти, жумладан, 28 та микрокредит ташкилоти ва 46 та ломбард фаолияти жойида текширишдан ўтказилди.

Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра, фаолиятида қонун ҳужжатлари, шу жумладан, Марказий банкнинг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларининг бузилишига йўл қўйган нобанк кредит ташкилотларига қуйидаги чоралар кўрилди:

- 1 та ломбарднинг фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиши тугатилди;
- 2 та микрокредит ташкилотининг истеъмол кредити, микроқарз ва микрокредит бериш, микролизинг хизматларини кўрсатиш амалиётлари 3 ойгача бўлган муддатга тўхтатилди;
- 12 та микрокредит ташкилоти ва 18 та ломбардга нисбатан жами 217,3 млн. сўм миқдоридаги жарима санкциялари қўлланилди.

Бундан ташқари, 14 та микрокредит ташкилоти ва 27 та ломбардга аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатма хатлари юборилди.

3.5. Тўлов тизимлари ва банкларда молиявий ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунида Марказий банкка юклатилган республикада ҳисоб-китобларнинг самарали тизимини ташкил этиш ва таъминлаш вазифасидан келиб чиқиб, 2017 йил давомида Марказий банк томонидан ҳисоб-китоблар тизимининг барқарор фаолият юритишини ва уни энг замонавий талаб ва стандартларга мувофиқ ривожланишини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

3.5.1. Банклараро электрон (нақд пулсиз) тўлов тизими ривожланиши

Ҳисобот йилида иқтисодиётдаги тўлов ва ҳисоб-китобларнинг асосий қисмига, яъни нақдсиз шаклда амалга ошириладиган операцияларга хизмат қилувчи электрон тўловлар тизимини янада ривожлантириш, шу жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган тўлов хизматлари ва маҳсулотларини кенг жорий қилиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига тўловларни амалга ошириш борасида қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича ишлар давом эттирилди.

Бугунги кунда республикамизда халқаро андозаларга жавоб берувчи самарали электрон тўловлар тизими яратилган бўлиб, у ўз навбатида, 3 та тўлов тизимидан – банклараро тўлов тизими, банкнинг ички тўлов тизими ва чакана тўлов тизимидан ташкил топган.


2017 йил давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган операциялар сони 2016 йилга нисбатан 6,4 фоизга ошиб, 77,2 млн. тани, амалга оширилган операциялар суммаси эса 640,8 трлн. сўмни ташкил қилди.

3.5.1.1-чизма



3.5.1.2-чизма

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
2017 йил мобайнида тўлов ҳужжатлари бўйича
амалга оширилган транзакциялар сони, мингда**




2017 йил мобайнида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали амалга оширилган транзакцияларни тўлов ҳужжатлари кесимидаги таҳлили, тўлов топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 41,7 млн. тани (жами транзакцияларнинг 54,1 фоизини) транзакциялар суммаси эса 387,9 трлн. сўмни (жами транзакциялар суммасининг 60,5 фоизини), мемориал ордер орқали амалга оширилган транзакциялар сони 30,6 млн. тани (39,7 фоиз) транзакциялар суммаси эса 250,5 трлн. сўмни (39,1 фоизни), инкассо топшириқномалари орқали амалга оширилган транзакциялар сони 4,2 млн. тани (5,5 фоиз) транзакциялар суммаси эса 1,6 трлн. сўмни (0,3 фоиз) ташкил этди.

Шу билан бирга, тўлов талабномаси ва аккредитивга аризадан фойдаланиш кўрсаткичи жуда паст бўлиб, мос равишда тўлов талабномаси орқали амалга оширилган транзакциялар сони 568 мингтани (0,7 фоизни), транзакциялар суммаси эса 634,4 млрд. сўмни (0,1 фоизни) ташкил этган бўлса, аккредитив бўйича амалга оширилган транзакциялар сони 1,7 мингтани (0,002 фоизни), аккредитив тўлов ҳужжати бўйича амалга оширилган транзакциялар суммаси эса 107,3 млрд. сўмни (0,02 фоизни) ташкил этмоқда.

3.5.1.3-чизма

**Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими орқали
2017 йил мобайнида тўлов ҳужжатлари бўйича амалга
оширилган транзакциялар суммаси, млрд. сўм**



Ҳисобот йили давомида Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими 308 банк иш кунида 3 228 соат фаолият юритган бўлиб, ўртача кунлик иш вақти 10,5 соатни, ўртача кунлик транзакциялар сони 250 мингтани, ўртача кунлик транзакциялар суммаси 2,1 трлн. сўмни ҳамда ўртача ойлик транзакциялар сони 6,4 млн. тани, уларнинг суммаси эса 53,4 трлн. сўмни ташкил этди.

3.5.2. Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими таҳлили

Жисмоний шахслар ва улардан тўловларни қабул қилиб олувчи субъектлар ўртасидаги нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг, шу жумладан, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, уй-жой коммунал, мобиль алоқа, рақамли телевидение, нотариал ва бошқа хизматлар бўйича тўловларни дам олиш кунларисиз кечаю-кундуз (24/7) реал вақт режимида банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимлари орқали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими яратилган бўлиб, бугунги кунда мазкур тизим орқали икки йўналишда тўловлар клиринги амалга оширилмоқда.

Биринчи йўналиш доирасида Марказий банкда банк пластик карточкалари амалга оширилган тўловлар бўйича банкларнинг вакиллик ҳисобварақларини тўғридан-тўғри дебетлаш механизми яратилди ва Ягона умумреспублика Процессинг маркази билан ўзаро фаолияти йўлга қўйилди.

Ҳозирги кунда барча банк пластик карталари орқали амалга ошириладиган тўловлар бўйича якуний молиявий ҳисоб-китоблар Марказий банкнинг клиринг тизими орқали ўтказилмоқда.


2017 йил давомида аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларини тўлов терминаллари билан жиҳозлаш, пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда банк пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга оширишда фойдаланувчиларга янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

- аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларга тўлов терминалларини ижарага бериш механизми қайта кўриб чиқилиб, ижара ҳақи 50 фоизга қисқартирилди ва миллий валютада белгиланди (*якка тартибдаги тадбиркорларга – 15 минг сўм, юридик шахсларга – 25 минг сўм*);


- тўлов терминаллари инфратузилмасини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларига 2017-2018 йиллар мобайнида Процессинг марказларининг техник тавсифномаларига мувофиқ, ҳисоб-китоб тўлов терминаллари, инфокиосklar, банкоматлар ва бошқа тегишли ускуналарни харид қилишда тендер савдоларини ўтказмасдан шартномалар тузиш ҳуқуқи берилди;

- янги банк хизмати турини жорий этиш мақсадида банк пластик карточкалари орқали аҳолининг истеъмол эҳтиёжлари учун муддатли (овердрафт) кредитлар бериш тартиби жорий қилинди.

3.5.2.1-чизма



3.5. 2.2-чизма




2017 йил давомида тижорат банклари томонидан ўрнатилган банкомат ва инфокиосklar сони 678 тага (13,7 фоизга), савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган терминаллар сони 27,2 мингтага (13 фоизга) кўпайди. Муомалага чиқарилган банк пластик карточкалари сони эса 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига 19,2 млн. донани ташкил этди.

Бундан ташқари, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими билан Давлат солиқ кўмитаси, Молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик, Давлат божхона кўмитаси, Адлия вазирлигига қарашли Ягона дарча маркази, Давлат персоналлаштириш маркази ва Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги ахборот тизимлари, шунингдек, «Ўзбекэнерго» акциядорлик компанияси, «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси, «Сувсоз» давлат унитар корхонаси ҳамда бошқа коммунал ва бир қатор хизмат кўрсатувчиларнинг биллинг тизимлари интеграция қилинган ҳолда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, электр энергия ва газ истеъмоли, жами 20 дан ортиқ хизматлар бўйича тўловлар Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали реал вақт режимида амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2017 йил давомида Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали юқоридаги хизматлар бўйича амалга оширилган транзакциялар ҳажми 2016 йилга нисбатан 2,6 баробарга ортиб, 5 181,3 млрд. сўмни ташкил этди.

3.5.2.3-чизма



Жумладан, Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали ҳисобот йилида амалга оширилган транзакцияларнинг 2 057,9 млрд. сўмини (жами транзакцияларнинг 39,7 фоизи) Ғазначилик тўловлари, 1 096,8 млрд. сўмини (21,2 фоизи) табиий газ бўйича тўловлар, 948,4 млрд. сўмини (18,3 фоизи) электр энергия бўйича тўловлар, 572,8 млрд. сўмини (11 фоизи) солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича тўловлар, 114,4 млрд. сўмини (2,2 фоизи) божхона тўловлари, 183,1 млрд. сўмини (3,5 фоизи) иссиқлик қуввати бўйича тўловлар ва 50,4 млрд. сўмини (1 фоизи) сув таъминоти бўйича тўловлар ташкил этган.

3.5.3. Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларининг ривожланиши


Тўлов тизимларини ривожлантириш борасидаги илғор хорижий тажриба таҳлили ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда масофадан туриб банк хизматлари кўрсатишнинг кенгайтирилиши аҳолини банк хизматлари билан қамраб олиш даражасининг ошишига, тўловларни ўтказиш билан боғлиқ банк хизматларининг шаффофлиги ва самарадорлигининг ошишига хизмат қилишини кўрсатмоқда.

Бу борада мамлакатимизда фаолият юритаётган тижорат банклари томонидан банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимлари (банк-мижоз, интернет-банкнинг, мобиль-банкнинг, sms-банкнинг ва бошқалар)ни республика миқёсида кенг жорий қилишни жадаллаштириш бўйича ҳар йиллик мақсадли кўрсаткичлар режаси ишлаб чиқилиб, мазкур тизимлар босқичма-босқич ривожлантириб борилмоқда.

Ҳозирги кунда республикаимизда банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларини кенг жорий қилишда айниқса мобиль телефонлар орқали тўловларни амалга ошириш тизимлари жадал ривожланмоқда. Ушбу тизимлар орқали, асосан, мобиль операторлар, интернет провайдерлар хизматлари учун тўловлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, табиий газ, электр энергия ва бошқа коммунал тўловлар амалга оширилмоқда.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчилар сони 2017 йилнинг бошига нисбатан қарийб 2,2 баробарга ошиб, 4,5 млн. тага етди. Шундан банк пластик карточкалари ва банк депозит ҳисобварақлари бўйича банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи жисмоний шахслар сони 4,2 млн.дан ортиқни, банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш тизимларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар сони 228 мингтани ташкил этди.

3.5.3.1-чизма



Ҳозирги кунда барча тижорат банклари томонидан рақамли банкинг технологияларини, жумладан, мобиль-банкнинг хизматларини реал вақт режимида кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш, барча банкларнинг банк пластик карталарини тўлиқ қамраб олиш мақсадида жисмоний шахслар учун мобиль-илова тўлов дастурларини яратиш ва жорий қилиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, мобиль-илова тўлов дастурлари имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида Марказий банкнинг Клиринг тўлов тизими асосида банклардаги ҳисобварақларини бошқариш, банк пластик карта ҳисобварағидан банк пластик карта ҳисобварағига, депозит ҳисобварағидан депозит ҳисобварағига тўловларни амалга ошириш, онлайн кредитлар бериш (кредитларни сўндириш) ва тўловларни амалга ошириш, онлайн жамғармалар очиш, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига онлайн тўловларни амалга ошириш имкониятини берувчи механизмлар синовдан ўтказилмоқда.

Юқоридаги янги механизмларнинг ягона платформада жорий қилиниши, банк мижозлари – жисмоний шахсларга банкдаги ўз ҳисобварақларини ҳар куни 24/7 тамойили асосида бошқариш ҳамда пул маблағларини тасарруф этиш имкониятини яратади. Бугунги кунда Марказий банкнинг ҳисоб-китоблар клиринг тизими орқали ТИФ Миллий банки, «Қишлоқ қурилиш банки», «Агробанк», «Намкорбанк», «Ипотека-банк», «Ўзсаноатқурилишбанк», «Ипак Йўли» АИТБ, «Туронбанк», «Туркистонбанк» мижозлари P2P-тўловларини ўтказиш имкониятига эга бўлиб, бу рўйхат мунтазам равишда кенгайтирилиб борилмоқда.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш борасида 2018 йилда банклар томонидан мобиль-илова тўлов дастурлари ёрдамида QR code ва NFC каби замонавий технологиялар асосида контактсиз тўловларни амалга ошириш ва қабул қилиш имкониятини яратиш кўзда тутилган. Ушбу имкониятлардан бозорларда, сайёр ярмарка ва айникса, транспортда тўловларни амалга ошириш учун фойдаланиш аҳоли учун қўшимча қулайликлар яратади.

3.6. Банкларда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш

Ҳисобот йили давомида тижорат банкларининг молиявий ҳисобот шакллари халқаро андозаларга мувофиқлаштириш, банк бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тизимини янада такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилди.

Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш, банк хизматлари кўрсатишда тадбиркорлик субъектларига янада қулай шароитлар яратиш ҳамда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларини янада ривожлантириш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги Йўриқномага (рўйхат рақами 1948, 2009 йил 27 апрель) тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб:

- улгуржи савдо корхоналарига битта ёки бир нечта банкда миллий валютада ва чет эл валютасида талаб қилиб олгунча сақланадиган депозит ҳисобварақлар очиш эркинлиги берилди;

- тадбиркорлик субъектларига ҳисобварақ очиш учун зарур бўлган маълумотларнинг банклар томонидан «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими»дан олиниши белгилаб қўйилди;

- жисмоний шахсларга уларнинг депозит ҳисобварақлари мавжуд банкларда банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланган ҳолда бошқа депозит ҳисобварақларни очиш ҳамда маблағлардан тезкорлик билан бошқариш имконияти яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармон ва қарорларида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини назорат қилиш учун зарур маълумотларни шакллантириш ва юритиш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси»га (рўйхат рақами 773-17, 2004 йил 13 август) бир қанча ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб:

- аҳолининг кам таъминланган қатламига, давлат дастурлари бўйича уй-жой сотиб олиш учун, ёқилғи хомашёси импорти берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда ушбу кредитларни бериш учун Марказий банкдан олинган қисқа ва узоқ муддатли кредит маблағлари;

- чет эл валютасини сотиб олиш учун Марказий банкдан олинган нақд пуллар захираси ва жисмоний шахслардан сотиб олинган чет эл валютаси маблағлари;

- табиий газ, электр энергия, сув таъминоти ва сув чиқариш хизматидан тушган маблағлар;

- тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси кўмагида берилган қисқа ва узоқ муддатли кредитлар ҳамда ушбу жамғармадан субсидиялар ҳисобига қопланадиган ҳисобланган фоизлар;

- тижорат банклари томонидан стратегик инвесторларга бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотилган корхоналар ва банкнинг бошқа мулклари ҳисобини юритишга мўлжалланган янги ҳисобварақлар киритилди. Натижада банкларда юқорида қайд этилган маблағлар ҳисоби такомиллаштирилиб, уларнинг ҳисобини алоҳида юритиш имконияти яратилди.

Шунингдек, 2017 йил давомида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини такомиллаштириш мақсадида Марказий банк Бошқаруви томонидан қабул қилинган ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга 12 та тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

3.7. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш

Ҳисобот йилида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонун асосида Марказий банк банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ва кредит бюрolari томонидан ички назорат қоидаларига ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш билан боғлиқ ахборотни махсус ваколатли давлат органига тақдим этиш тартибига риоя этилиши устидан мониторинг ҳамда назорат қилиш вазифаларини бажаришни давом эттириб, бир қатор чора-тадбирларни амалга оширди.

Бунда асосий эътибор, соҳага оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, банк тизимида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимининг ишлаш самарадорлигини оширишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни талаблари ҳамда Молиявий чораларни қўллаш бўйича махсус гуруҳ (FATF) тавсияларидан келиб чиқиб, махсус ваколатли давлат органи билан биргаликда кредит ташкилотларида соҳага оид фаолиятни тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Хусусан, «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари» (рўйхат рақами 2886, 23.05.2017 й.) ҳамда «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат Қоидалари» (рўйхат рақами 2925, 04.09.2017 й.) янги таҳрирда ишлаб чиқилди.

Назорат вазифаларини амалга ошириш доирасида Марказий банк томонидан 19 та банкда ва 74 та нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш масалалари юзасидан текширувлар ўтказилди. Ўтказилган текширувлар натижалари бўйича кредит ташкилотларига нисбатан жами 1 678,2 млн. сўмлик жарима чоралари қўлланилди.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича Евро-осиё гуруҳининг халқаро экспертлари томонидан 2019 йилда соҳа бўйича республикамизда олиб борилаётган ишлар «Ўзаро баҳолаш»дан ўтказилиши режалаштирилган.

Мазкур жараён олдидан ҳар бир давлат ўзининг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимини «Миллий баҳолаш»дан ўтказиши мақсадга мувофиқлигини инобатга олган ҳолда Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан ҳамкорликда банк тизимидаги соҳага оид таваккалчиликларни баҳолаш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жумладан, Марказий банк ҳамда тижорат банклари ходимларидан иборат Эксперт гуруҳи ташкил қилиниб, гуруҳ томонидан банк операцияларини амалга оширишда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хатарларни аниқлаш бўйича тавсиявий характерга эга бўлган «Услубиёт» ишлаб чиқилди ва Марказий банк Бошқарувининг фармойиши билан тасдиқланиб, тижорат банкларига ишда фойдаланиш учун юборилди.

Шунингдек, 2017 йилда соҳанинг «Миллий баҳолаш»дан ўтказилиши доирасида тижорат банклари томонидан кўрсатиладиган ҳар бир хизматда жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ хавф-хатарларни аниқлаш юзасидан таҳлилий маълумотлар тўпланиб, умумлаштирилди ва ҳозирда республика банк тизими бўйича ягона баҳони белгилаш учун Марказий банк томонидан махсус ваколатли давлат органи билан амалий ишлар давом эттирилмоқда.

Марказий банк томонидан 2017 йилда Қонун ва тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ижросини таъминлаш мақсадида кредит ташкилотлари мутахассисларининг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, Ўзбекистон банклари ассоциацияси, Тошкент молия институти, Микромолиявий ташкилотлар ассоциацияси ҳамда махсус ваколатли давлат органи, шунингдек, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги Лойиҳаларни мувофиқлаштирувчиси билан ҳамкорликда 7 та махсус семинарлар ташкил қилинди ва уларда жами 503 нафар мутахассис иштирок этди.

Марказий банк Ўқув марказида Марказий банк, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари мутахассислари учун жами 23 та тадбир ўтказилиб, уларда жами 551 нафар мутахассис соҳага оид билимларини оширди.

3.8. Банк қонунчилигини такомиллаштириш

Ҳисобот йилида Марказий банкнинг банк қонунчилигига доир фаолияти банк тизимини ислоҳ қилиш, унинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, валюта сиёсатини либераллаштириш, банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг замонавий механизмларини, шунингдек, монетар сиёсатнинг янги инструментларини жорий қилиш учун зарур бўлган қонуний асосларни такомиллаштиришга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва капиталлашуви даражасини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3066-сонли Қарорининг 6-банди ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Шунга асосан, Марказий банкка банкларда ликвидлилик танқислиги юзага келганда уларга Марказий банк томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда қисқа муддатли таъминотсиз кредитлар бериш ҳуқуқи берилди.

Айни вақтда, 2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Банк сирини тўғрисида»ги Қонунига Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ-446-сонли Қонуни билан банк сирини ташкил этувчи маълумотларнинг давлат ижросисига унинг ёзма сўрови асосида мазкур банк миждозига нисбатан қўзғатилган ижро иши бўйича тақдим этилиши тўғрисида ўзгартиришлар киритилди.

Ҳисобот даврида банк-молия соҳасининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш тадбирлари доирасида кредит ташкилотлари фаолиятига оид қуйидаги 7 та янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди. Жумладан:

- Тижорат банклари томонидан янги рўйхатга олинган юридик шахс ташкил этмасдан фаолият юритаётган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 12 майда 2883-сон билан рўйхатга олинган);

- «GlobUzCard» банклараро универсал чакана тўлов тизими фаолияти тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 15 майда 2884-сон билан рўйхатга олинган);

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларига таъминотсиз кредитларни бериш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 22 июнда 2891-сон билан рўйхатга олинган);

- Жисмоний шахсларга банк пластик карточкаси орқали овердрафт кредити бериш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 21 июлда 2900-сон билан рўйхатга олинган);

- Тижорат банкларига жисмоний шахслардан нақд чет эл валютасини сотиб олиши учун Марказий банк томонидан мадад пуллари бериш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 16 августда 2912-сон билан рўйхатга олинган);

- Ломбардларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 29 сентябрда 2933-сон билан рўйхатга олинган);

- Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом (Адлия вазирлигида 2017 йил 6 ноябрда 2944-сон билан рўйхатга олинган).

Шунингдек, ҳисобот даврида кредит ташкилотлари фаолиятига оид жами 70 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Бундан ташқари, Марказий банк томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган 13 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди ҳамда 3 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Шунингдек, тижорат банкларининг ички меъёрий ҳужжатларининг амалдаги, шу жумладан Марказий банкнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқлиги мунтазам равишда ўрганилиб, уларга ўз ҳужжатларини амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли хулоса ва кўрсатмалар бериб борилди.

Ҳисобот йилида банк қонунчилиги ва банк фаолиятининг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар банклар фаолиятини янада ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатилаётган банк хизматлари сифатини янада ошириш имконини бермоқда.

3.9. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига асосан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш кредит ташкилотлари фаолиятидаги мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш борасида Марказий банк томонидан олиб борилаётган ишларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Марказий банк раҳбарияти томонидан фуқароларнинг шахсий қабулига алоҳида эътибор қаратилиб, 2017 йил давомида Марказий банк томонидан банк хизматларини кўрсатиш масалалари билан боғлиқ мурожаатлар юзасидан жами 846 та фуқаро қабул қилинди. Шундан 592 та фуқарога амалий ёрдам, 254 та фуқарога эса тегишли маслаҳатлар берилди.


Бундан ташқари, республикаimiz ҳудудларида тижорат банкларининг вакиллари иштирокида аҳоли билан мунтазам равишда сайёр учрашувлар ўтказилмоқда. Ушбу сайёр учрашувларда 2017 йил давомида Марказий банк раҳбарияти томонидан 167 та фуқаро қабул қилинди.

Республикаimiz ҳудудларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси, Марказий банк раҳбарияти ва тижорат банклари вакиллари иштирокида ўтказилган сайёр қабулларда эса банк фаолиятига оид масалалар юзасидан 12 582 та фуқаро мурожаатлари кўриб чиқилди.

Хусусан, 2017 йилда Марказий банкка жами 7 281 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 657 тасини Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, 2 425 тасини Марказий банк Раисининг виртуал қабулхонаси, 1431 тасини Ягона интерактив давлат хизматлари портали, 1 138 тасини Марказий банкка тўғридан-тўғри ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар орқали келиб тушган мурожаатлар ҳамда 1630 таси Марказий банк раҳбариятининг шахсий қабулларида ва «Ишонч телефони» орқали билдирилган оғзаки мурожаатлар ташкил этади.

3.9.1-чизма


Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари сони



Мурожаатларнинг барчаси белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, уларда қайд этилган масалаларни ҳал этиш юзасидан зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

3.9.2-чизма

Мурожаатларнинг банк хизмати турлари кесимидаги таркиби, фоизда



Банк соҳасига оид мурожаатларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, мурожаатларнинг 36,2 фоизини хорижий валютани сотиб олиш ва миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш билан боғлиқ бўлиб, улар асосан республикада валюта сиёсати либерализацияси амалга оширилишидан олдинги даврга тўғри келади.


2017 йилнинг иккинчи ярмида мамлакатимиз валюта бозорини эркинлаштириш бўйича дастлабки чораларнинг кўрилиши ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги «Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5177-сонли Фармонининг қабул қилиниши натижасида аҳолининг хорижий валютани сотиб олиш масалалари билан боғлиқ мурожаатлари сони кескин камайди.

Шу билан бирга, мурожаатларнинг 34,8 фоизи банк кредитларини олиш билан боғлиқ масалаларга оид бўлиб, уларнинг аксарияти гаров таъминоти етишмовчилиги, ипотека кредитининг бошланғич бадал суммасини тўлаш, таълим кредити ҳамда имтиёзли кредит олиш тўғрисидаги мурожаатлардир.

Шунингдек, мурожаатларнинг 8,6 фоизини банк хизматларининг оммабоплигини ва банк хизматлари турларини тақдим этиш қоидаларининг шаффофлигини ошириш борасидаги мурожаатлар ташкил этади.

3.9.3-чизма

Мурожаатлар таркибининг ўзгариш динамикаси



Қолган мурожаатлар эса банк хизматларини ривожлантириш, ҳисоб рақамидан нақд пул олиш, терминаллар бўйича хизмат кўрсатиш ва пластик карталардан фойдаланиш, банк ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ва тўловларни амалга оширишда банк ҳаракатларини текшириш, микрокредит ташкилотларининг фаолияти билан боғлиқ масалалар юзасидан келиб тушган.

Молия бозорларида хизмат кўрсатиш кўламининг кенгайиши, янги хизмат турларининг таклиф этилиши, шу жумладан, замонавий ахборот технологиялари асосидаги банк маҳсулотларининг пайдо бўлиши Марказий банкнинг банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари лозим даражада ҳимояланишини таъминлаш борасидаги ўрни ва ролини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Шу боис Марказий банкнинг Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш департаменти негизида Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди. Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий саводхонлик даражасини ва молиявий хизматларнинг оммабоплигини ошириш мазкур тузилманинг асосий вазифалари этиб белгиланди.

IV. ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ҲАМКОРЛИК

Ҳисобот даврида халқаро молия институтлари ва хорижий банклар билан ўзаро ҳамкорлик сезиларли даражада фаоллашди. Мавжуд ҳамкорлик муносабатларини кенгайтириш ва янги алоқаларни йўлга қўйиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2017 йил давомида Марказий банк томонидан халқаро молия институтлари вакиллари билан 51 та ва хорижий банклар билан 33 та учрашув ташкил этилиб, уларнинг сони 2016 йилга нисбатан мос равишда 82 фоиз ва 57 фоизга ошди.

Марказий банк фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, асосий ишлар Халқаро валюта фонди (ХВФ) ва Жаҳон банки билан биргаликда олиб борилди.

Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик

Марказий банк валюта бозорини либераллаштириш, пул-кредит сиёсатини ва банклар фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш борасидаги ислохотлар доирасида ХВФ билан фаол ҳамкорлик олиб борди.

Хусусан, 2017 йилнинг 19-21 апрель кунлари ХВФ ва Жаҳон банки Бошқарувчилар Кенгашининг баҳорги йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Вашингтон шаҳрига (АҚШ) сафари ташкил этилди. Ушбу йиғилиш давомида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар билан танишиш ва ҳамкорлик йўналишларини ўрганиш бўйича ХВФ делегациясининг Ўзбекистонга ташрифларини уюштириш юзасидан келишувга эришилди.

2017 йилнинг 17-24 июль кунлари ташкиллаштирилган жаноб А. Егер раҳбарлигидаги ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти ҳамда Пул бозори ва капитал бозорлари департаменти вакиллари билан иборат делегацияси ташрифи давомида республикамиздаги иқтисодий ривожланиш ҳолати ҳамда ишлаб чиқилган ислохотлар режаси муҳокама қилинди.

ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори жаноб Ж. Азур билан 2017 йилнинг 14-16 сентябрь кунларидаги Тошкент шаҳрига ташрифи давомида Марказий банкда ташкиллаштирилган учрашувда мамлакатдаги иқтисодий вазият ва ўтказилаётган ислохотлар, хусусан, валюта алмашув курсларини унификация қилиш ва валюта бозорини либераллаштириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Шунингдек, 2017 йилнинг 13-15 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси делегацияси Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган ХВФ ва Жаҳон банкининг йиллик йиғилишида иштирок этди.

Мазкур анжуман доирасида ўтказилган Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари молия вазирлари ва марказий банклари раҳбарларининг анъанавий йиғилишида жаҳон иқтисодиётида кўплаб муаммолар мавжуд шароитда минтақада барқарорликни таъминлаш ва инклюзив ўсишни рағбатлантириш мақсадида монетар сиёсат инструментлари ва молиявий сиёсатни такомиллаштириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Мазкур йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Раиси томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар, хусусан, пул-кредит сиёсати ва валюта бозорини либераллаштириш, шунингдек, мазкур йўналишларда истиқболдаги режа ва вазифалар хусусида йиғилиш қатнашчиларига батафсил ахборот берилди.

Шу билан бирга, Йиллик йиғилиш давомидаги учрашувлар мобайнида мамлакатимиз банк секторини ва иқтисодий ривожланишнинг бошқа йўналишларини ислоҳ қилиш бўйича ХВФ ва Жаҳон банкининг техник кўмаklarини жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Ҳисобот йилининг ноябрь ойида Марказий банк томонидан илк бор Тошкент шаҳрида ХВФнинг асосий нашрларидан бири – «Минтақавий иқтисодиётни ривожлантириш истиқболлари»нинг тақдими бўйича тадбир ташкил этилди ва унда вазирликлар ва идоралар, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлири ва тижорат банклари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда ХВФнинг Яқин Шарқ ва Марказий Осиё мамлакатлари департаменти директори ўринбосари жаноб Ю. Кахконен минтақа мамлакатларининг жорий макроиқтисодий сиёсати, таваккалчиликлар ва ривожланиш истиқболларига бағишланган маъруза билан қатнашди.

2017 йилнинг 7-16 ноябрь кунлари мамлакатимиз иқтисодиётини янада ислоҳ қилиш бўйича режаларни муҳокама қилиш ва макроиқтисодий кўрсаткичларни аниқлаштириш мақсадида жаноб А. Егер раҳбарлигида ХВФнинг навбатдаги миссияси Тошкент шаҳрида бўлди.

Шунингдек, 2017 йилнинг ноябрь ойида Тошкент шаҳрига ХВФнинг ижрочи директори Хее Нам Чой ташриф буюриб, у билан ўтказилган музокаралар давомида Марказий банк ходимларининг малакасини ошириш йўналишида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувга эришилди.

2017 йилнинг IV чорагида ХВФнинг Марказий банкда тўлов балансини тайёрлаш методологияси ҳамда монетар сиёсат бўйича техник кўмак миссияларининг ташрифлари уюштирилди.

Жаҳон банки билан ҳамкорлик

2017 йилда Марказий банкнинг Жаҳон банки билан ҳам ҳамкорлик алоқалари фаоллаштирилиб, асосий эътибор банк назорати механизмларини такомиллаштиришга қаратилди.

2017 йилнинг сентябрь ойида Жаҳон банкининг глобал амалиёт бўйича менежери жаноб А. Мор раҳбарлигидаги делегациянинг Тошкент шаҳрига ташрифи давомида ўтказилган учрашувларда, шунингдек, октябрь ойида ХВФ ва Жаҳон банкининг йиллик йиғилиши доирасидаги музокаралар натижасида мамлакат иқтисодиётида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида банк-молия соҳасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий рискларни юмшатиш каби масалалар бўйича ҳамкорлик қилишга келишилди.

Мазкур келишув доирасида 2017 йилнинг IV чорагида икки йўналишда – банклар фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилишнинг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ҳамда тижорат банкларини стресс-тестдан ўтказиш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича ишлар белгилаб олинди.

Биринчи йўналиш доирасида Марказий банкнинг «Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги, «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги, «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низомларни ҳамда «Банк назорати бўйича тижорат банкларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тақдим этадиган ҳисоботларини тўлдириш бўйича тавсиялар»ни қайта кўриб чиқиш юзасидан график ишлаб чиқилган бўлиб, уларни такомиллаштириш бўйича ишларни 2018 йилнинг март ойи охиригача яқунлаш режалаштирилган.

Иккинчи йўналиш доирасида Марказий банк ходимлари томонидан Жаҳон банки мутахассислари билан биргаликда бир қанча видео-конференция мулоқотлари ташкил этилиб, уларда дастлабки чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш жараёнидаги асосий муаммолар аниқлаштирилиб, стресс-тестларни ўтказиш бўйича бажарилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

2017 йил 12-15 декабрь кунлари Жаҳон банкининг молиявий сектор ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича техник кўмак миссияси Марказий банкда бўлиб, Кредит ташкилотлари пруденциал назорати ва Кредит ташкилотларини инспекция қилиш департаментларининг ходимларига тегишли маслаҳатлар берди.

Келгусида рискларни бошқариш ва корпоратив бошқарув, шунингдек, жойларда инспекция ўтказиш методологияси бўйича низомлар ишлаб чиқишда Жаҳон банки билан ҳамкорлик режалаштирилган бўлиб, бу борада амалга ошириладиган ишлар Жаҳон банки мутахассисларининг 2018 йилнинг март-апрель ойларига режалаштирилган учинчи миссияси ташрифи давомида муҳокама этилади.

Бундан ташқари, Жаҳон банкининг 2017 йилнинг сентябридаги миссияси яқунлари бўйича эслатма қайдларида кўрсатилган таклифлар асосида ўрта муддатли истикболда (3-5 йил):

- банкларни соғломлаштириш масалаларида маслаҳатлар (айрим банкларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш асосида рискларни аниқлаш, реструктуризация қилиш ёки соғломлаштириш орқали оқибатларни тузатиш ва юмшатиш бўйича тавсиялар бериш);

- тижорат банкларида танг инқирозли ҳолатларни бошқариш методологиясини ишлаб чиқиш;

- банк тизимида Базель III ни жорий этишда миқдорий таъсирни тадқиқ қилиш ва мазкур жараёнда ўтиш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- жамғармаларни суғурта қилиш тизимини модернизациялаш;

- молия секторини баҳолаш дастури (МСБД) доирасида баҳолашни ўтказиш йўналишларида ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилмоқда.

Хорижий мамлакатлар марказий банклари билан ҳамкорлик

Ҳисобот йили давомида Марказий банкнинг чет эл мамлакатлари марказий банклари билан ҳам ҳамкорлик алоқалари янада кенгайди.

Хусусан, 2017 йил июль ойида Швейцария Миллий банки Директорлар Кенгаши раиси жаноб Т. Йордан раҳбарлигидаги делегациянинг ташрифи ташкил этилди. Музокаралар давомида Марказий банкнинг пул-кредит сиёсати инструментларини такомиллаштириш, халқаро активларни бошқариш ва бошқа йўналишларда, шу жумладан, кадрлар малакасини ошириш борасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича келишувга эришилди.

Ҳисобот йилининг ноябрь ойида Қозоғистон Миллий банки Бошқаруви раиси жаноб Д. Акишев раҳбарлигидаги делегацияси ташрифи ташкиллаштирилиб, учрашувлар давомида марказий банклар ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

V. ТАШКИЛИЙ ВА ИЧКИ ФАОЛИЯТ

5.1. Ташкилий тузилма

Марказий банк томонидан ҳисобот йилида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепцияси»га мувофиқ банк фаолиятини тубдан такомиллаштириш, шу жумладан, унинг мақсад, вазифа ва функциялари ҳамда ташкилий тузилмасини такомиллаштириш мақсадида Марказий банкнинг марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Бош бошқармалари ташкилий тузилмаларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Марказий банк олдида турган муҳим вазифаларнинг ижросини самарали амалга ошириш, халқаро тажрибаларни чуқур ўрганиш асосида янги таркибий бўлинмалар, шу жумладан, Кредит ташкилотлари пруденциал назорати, Пул-кредит сиёсати, Статистика ва тадқиқотлар, Тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича тижорат банклари фаолиятини мониторинг қилиш, Халқаро ҳамкорлик ва коммуникациялар департаментлари ва Банк хизматлари истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати ташкил этилди.

2018 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банк тизимида олий ва ўрта махсус маълумотга эга мутахассислар билан бутланиш даражаси 100 фоизни, шундан олий маълумотли мутахассислар улуши 91,2 фоизни ташкил этади.

5.2. Ходимлар билан ишлаш тизими

Марказий банк томонидан олиб борилаётган кадрлар сиёсати республика банк тизими олдида қўйилаётган мақсад ва вазифаларни самарали амалга оширишга қодир бўлган, бугунги кун талабларига жавоб бера оладиган, янгича фикрлайдиган, эл-юрт тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшайдиган ёш, билимли ва ташаббускор кадрларни тайёрлашга йўналтирилган.

Марказий банк тизимида ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича узлуксиз таълим тизими яратилган бўлиб, ушбу тизимнинг ўқув базасини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Марказий банк Ўқув маркази ҳамда чет элдаги нуфузли олий ўқув юртлари ва халқаро молия институтларининг ўқув марказлари ташкил этади.

Хусусан, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига Марказий банк тизимида раҳбар ходимларни тайёрлаш йўналишида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олган 38 нафар ва Банк-молия академиясини тамомлаган 118 нафар ходим фаолият юритиб келмоқда.

Шунингдек, бугунги кунда 5 нафар ходим Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида ва 14 нафар ходим академиянинг «Бошқарув кадрларини қайта тайёрлаш» факультетининг 4 ойлик қайта тайёрлаш курсида, 18 нафар ходим эса Банк-молия академияси тингловчилари қаторида таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг самарали тизимини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5139-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги «Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 745-сонли қарорига мувофиқ, Давлат бошқаруви академиясининг 4 нафар тингловчилари Бош бошқарма бошлиғига дублёр сифатида Марказий банкнинг Жиззах, Қашқадарё, Тошкент ва Хоразм вилояти Бош бошқармаларида малакавий амалиёт ўтамоқдалар.

Ходимларнинг ёндош участкалар иш фаолиятини ўзлаштиришларини таъминлаш ва юқори самарадорликка эришиш мақсадида раҳбарлик лавозимлари захираси таркибидаги номзодларнинг касбий малакасини ошириш, уларни қайта тайёрлаш ва ўқитиш учун тегишли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ўтган даврда Марказий банк Ўқув марказида «Банк раҳбари», «Марказий банк тизимида бухгалтерия ҳисобини юритиш масалалари», «Марказий банк тизимида молия хўжалик фаолиятини аудитдан ўтказиш масалалари», «Ҳисоб-китоб касса маркази фаолияти масалалари» каби мавзуларда махсус ўқув курслари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 4 октябрдаги 23/6А-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тизимида амалий малака ошириш тартиби тўғрисида»ги низомга асосан 2017 йил давомида Марказий банкнинг Андижон, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бош бошқармаларининг 4 нафар ходими Марказий банкнинг марказий аппаратида амалий малака оширдилар.

Шунингдек, ҳисобот йили давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг марказий аппаратида, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош бошқармаларининг таркибий тузилмаларида ходимларнинг малакасини ошириш, бошқа бўлинмалар фаолиятини ўрганишларини таъминлаш ҳамда уларни юқори раҳбарлик лавозимларига тайёрлаш мақсадида 128 нафар ходим турли бўлинмаларга ротация қилинди.

Марказий банк, тижорат банклари ва нобанк кредит ташкилотлари ходимларининг малака ошириш имкониятларини кенгайтириш, уларни банк қонунчилиги ва амалиётида рўй бераётган ўзгаришлардан хабардор қилиб боришни такомиллаштириш мақсадида Марказий банк Ўқув марказида махсус ўқув курслари ташкил этилган. 2017 йил давомида мазкур марказда жами 966 нафар, шундан Марказий банк тизимидан 322 нафар (шундан 275 нафари ҳудудий Бош бошқармалардан), республика тижорат банкларидан 491 нафар ва нобанк кредит ташкилотларидан 153 нафар ходим таҳсил олди. Ушбу ходимлардан 798 нафарини раҳбар ходимлар ва 168 нафарини мутахассислар ташкил этади.

Ҳисобот даврида Марказий банкнинг 75 нафар ходими АҚШ, Германия, Австрия, Россия, Грузия, Япония, Испания, Франция, Сингапур, Швейцария, Корея, Филиппин, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатларига малака ошириш ва тажриба орттириш учун хизмат сафарларига юборилган.

ХВФ институти томонидан 2017 йилнинг 11 октябридан 20 декабрига қадар «Макроиктисодий диагностика» ва «Макроэконометрик прогнозлаштириш» мавзулари бўйича ўтказилган онлайн курсларда (масофадан туриб ўқиш) Марказий банк ходимлари иштирок этиб, ўз билим ва малакаларини оширдилар.

2017 йилда Марказий банкнинг 2 нафар ходими Япония (ХВФ дастури бўйича) ва 1 нафар ходими Кореянинг (Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (КОИСА) дастури бўйича) етакчи университетларини магистратура таълим йўналиши бўйича муваффақиятли тамомлади.

Ҳозирги кунда Марказий банкнинг 7 нафар ходими юқорида қайд этилган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари магистратурасида таҳсил олмоқда. Шундан 2 нафар ходим Халқаро валюта фондининг ўқув дастурлари бўйича, 2 нафар ходим ЈСА (Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги), 1 нафар ходим КОИСА, 1 нафар ходим GRIPS (Япония сиёсий фанлар миллий институти) ҳамда 1 нафар ходим Япониянинг Цукуба университетининг грант дастурлари асосида таҳсил олмоқда.

Марказий банк мутахассисларининг назарий билимлари, маънавий-маърифий савияси, сиёсий саводхонлиги, касбий тайёргарлигини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган касбий-иқтисодий ўқув машғулотларида Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ҳамда мамлакатимиздаги кенг кўламли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ўрганиб борилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги «Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида»ги ПҚ-3160-сонли Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк ва унинг ҳузуридаги корхона ва ташкилотларда ходимларни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларнинг ижтимоий фаоллигини янада ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида юксак маънавий муҳитни кенг қарор топтириш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий тадбирлар самарадорлигини ошириш мақсадида 2017 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, Республика маънавият тарғибот маркази билан келишилган ҳолда тасдиқланди ва унга мувофиқ маданий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Жумладан, 2017 йилнинг февраль ойида Республика маънавият тарғибот маркази ҳузуридаги «Маънавият тарғиботчиси» нодавлат таълим муассасасида ташкил этилган курсларда Марказий банкнинг тегишли ходимлари ўз малакаларини оширдилар.

5.3. Ички аудит фаолияти

Ҳисобот йилида Ички аудит хизмати фаолияти Марказий банк Бошқарувининг 2016 йил 28 декабрдаги 41/9-сонли қарори билан тасдиқланган режага асосан амалга оширилди.

2017 йилда Марказий банк марказий аппаратининг таркибий бўлинмалари, ҳудудий Бош бошқармалари, шунингдек, Марказий банк тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби, молиявий ҳисоботларнинг тўғри юритилиши, пул, қимматликлар ва товар-моддий бойликларининг бут сақланиши ва улардан фойдаланиш аҳволи, эмиссия-касса ва бухгалтерия амалиётларининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ҳамда ижрочилик интизоми аҳволи аудит текширувидан ўтказилди.

Аудит текширувлари давомида аудит ўтказиш муддатларига риоя қилиниб, дастурларда кўрсатилган барча соҳалар қамраб олинди ҳамда далолатнома ва маълумотномалар расмийлаштирилди ва аниқланган аксарият хато ва камчиликларнинг аудит жараёнида бартараф этилиши таъминланди. Шунингдек, ходимларга ўз вазифаларини сифатли бажаришларини ташкил қилишда амалий ёрдам, зарур кўрсатмалар ва тушунтиришлар берилди.

Ўтказилган аудит текширувлари натижалари бўйича аниқланган хато ва камчиликларга йўл қўйган ходимларга нисбатан Республика Марказий банки, ҳудудий Бош бошқарма ва тегишли муассаса раҳбарияти томонидан тегишли интизомий чоралар кўрилиши таъминланди.



VI. ИЛОВАЛАР

1-жадвал

Макроиктисодий кўрсаткичлар*
(амалдаги нархларда)

млрд. сўм

Кўрсаткичлар номи	2017 йилда	2016 йилга нисбатан, фоизда
Ялпи ички маҳсулот	249 136,4	105,3
Саноат маҳсулоти ҳажми	144 185,3	107,0
Истеъмол моллари ишлаб чиқариш	56 159,4	102,7
Ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	69 504,2	102,0
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	60 719,2	107,1
Қурилиш ишлари ҳажми	34 060,8	105,6
Чакана савдо айланмаси	105 767,8	102,4
Хизматлар, жами	116 795,7	108,9
Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ доллари	26 907,0	111,0
экспорт	13 893,6	114,9
импорт	13 013,4	107,2
Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн. АҚШ доллари	880,2	х

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида

2-жадвал

МДХ давлатлари бўйича 2017 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари*
(Ўтган йилга нисбатан)

Кўрсаткичлар номи	Ўзбекистон	Россия	Украина	Беларусь	Қозоғистон	Қирғизистон	Тожикистон	Арманистон
Ялли ички маҳсулот, фоизда	105,3	101,5	102,1**	102,4	104,0	104,5	107,1	107,5
Саноат маҳсулоти ҳажми, фоизда	107,0	101,0	99,9	106,1	107,1	111,5	121,3	112,6
Қишлоқ ўжалик маҳсулотлари ҳажми, фоизда	102,0	102,4	97,3	104,1	102,9	102,2	106,8	97,0
Инфляция, фоизда	114,4	102,5	113,7	104,6	107,1	103,7	106,7	101,0
Ташқи савдо айланмаси, млрд. АҚШ доллари	26,9	590,9	84,2	63,4	77,6	5,6	4,0	6,4
Экспорт, млрд. АҚШ доллари	13,9	353,1	39,5	29,2	48,3	1,5	1,2	2,2
Импорт, млрд. АҚШ доллари	13,0	237,8	44,7	34,2	29,3	4,1	2,8	4,2

* Миллий статистика хизматлари кўрсаткичлари асосида

**2017 йилнинг 9 ойи якуни бўйича

3-жадвал

**2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг асосий ташқи иқтисодий ҳамкорлари билан
амалга оширган экспорт-импорт операциялари**

Давлатлар номи	Экспорт		Импорт		Ташқи савдо айланмаси	
	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда	млн. АҚШ доллари	улуши, фоизда
Жами	13 893,6	100,0	13 013,4	100,0	26 907,0	100,0
<i>шу жумладан:</i>						
Хитой	2 239,3	16,1	2 728,4	21,0	4 967,7	18,5
Россия	2 103,0	15,1	2 708,3	20,8	4 811,3	17,9
Қозоғистон	1 065,0	7,7	997,0	7,7	2 062,0	7,7
Туркия	871,8	6,3	674,0	5,2	1 545,8	5,7
Корея	119,8	0,9	1 240,3	9,5	1 360,1	5,1
Германия	25,7	0,2	587,4	4,5	613,1	2,3
Эрон	267,0	1,9	58,1	0,4	325,1	1,2
Ҳиндистон	32,6	0,2	291,0	2,2	323,6	1,2
Бразилия	0,3	0,002	320,9	2,5	321,2	1,2
Украина	104,7	0,8	183,9	1,4	288,6	1,1
Франция	143,2	1,0	108,2	0,8	251,4	0,9
АҚШ	27,5	0,2	182,7	1,4	210,2	0,8
Япония	11,5	0,1	144,0	1,1	155,5	0,6

4-жадвал

Кредит ташкилотлари таркибий бўлинмалари сони

	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
1. Марказий банк томонидан рўйхатга олинган кредит ташкилотлари, жами	103	104
шу жумладан:		
1.1. Тижорат банклари, шундан:	27	28
<i>Давлат улуши мавжуд банклар</i>	10	11
<i>Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар</i>	17	17
1.2. Нобанк кредит ташкилотлари, шундан:*	76	76
<i>Микрокредит ташкилотлари</i>	29	30
<i>Ломбардлар</i>	47	46
2. Тижорат банклари филиаллари, жами**	855	862
шундан Халқ банки	197	197
3. Мини-банклар	999	980
4. Банк биносидан ташқаридаги операцион кассалар	2 667	2 861
шундан Халқ банки	869	806
5. Валюта айирбошлаш шохобчалари	385	915
6. Халқаро пул ўтказмалари шохобчалари	1 011	1 012
7. Кўчма кассалар	366	2 157
шундан Халқ банки	208	2 000
Кредит ташкилотларининг таркибий бўлинмалари сони, жами	6 386	8 891

* Нобанк кредит ташкилотлари филиаллари мавжуд эмас

** Тижорат банкларининг хорижий давлатларда филиаллари мавжуд эмас

5-жадвал

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари
(2018 йил 1 январь ҳолатига)

млрд. сўм

Банклар номи	Актив		Кредит		Капитал		Депозит	
	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда	суммаси	улуши, фоизда
Жами	166 632	100,0	110 572	100,0	20 676	100,0	58 668	100,0
Давлат улуши мавжуд банклар	136 505	81,9	97 778	88,4	16 672	80,6	38 589	65,8
Капиталида давлат улуши бўлмаган банклар	30 127	18,1	12 794	11,6	4 005	19,4	20 079	34,2

6-жадвал

Тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари ўзгариши

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.			01.01.2018 й.			Номинал ўсиш, фоизда	Ҳақиқий ўсиш (девальвацияни ҳисобга олмаган ҳолда), фоизда
	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда	жами	шундан, хорижий валютада	улуши, фоизда		
Банк активлари	84 075	36 197	43,1	166 632	106 664	64,0	98,2	21,8
Кредит қўйилмалари	52 611	22 506	42,8	110 572	68 838	62,3	110,2	31,4
Жалб қилинган депозитлар	36 341	10 007	27,5	58 668	28 825	49,1	61,4	13,7
Капитал	8 981	2 284	25,4	20 676	6 188	29,9	130,2	88,7

7-жадвал

Банк тизимининг таққослама кўрсаткичлари

млрд. сўм

Кўрсаткичлар	01.01.2017 й.			01.01.2018 й.		
	Жами	шундан:		Жами	шундан:	
		давлат улуши мавжуд банклар	капиталида давлат улуши бўлмаган банклар		давлат улуши мавжуд банклар	капиталида давлат улуши бўлмаган банклар
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, фоизда	112,0	111,3	114,4	114,2	113,9	115,3
Активлар	84 075	64 982	19 093	166 632	136 505	30 127
Мажбуриятлар	75 094	58 409	16 685	145 956	119 833	26 122
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати, фоизда	144,8	183,4	68,3	188,5	253,4	63,7
Кредитлар	52 611	44 282	8 329	110 572	97 778	12 794
Депозитлар	36 341	24 149	12 192	58 668	38 589	20 079

Тижорат банкларининг жами ва устав капиталли миқдори бўйича гуруҳланиши

Кўрсаткичлар номи	Жами		шулардан:											
			100 млрд. сўмгача		100 дан 300 млрд. сўмгача		300 дан 500 млрд. сўмгача		500 млрд. сўмдан 1 трлн. сўмгача		1 трлн. сўмдан 2 трлн. сўмгача		2 трлн. сўм ва ундан юқори	
	банклар сони	сумма, млрд. сўм	банклар сони	улуши, фонзда	банклар сони	улуши, фонзда	банклар сони	улуши, фонзда	банклар сони	улуши, фонзда	банклар сони	улуши, фонзда	банклар сони	улуши, фонзда
01.01.2017 йил ҳолатига														
Жами капитал	27	8 981	8	3,9	11	25,0	3	15,5	3	22,8	2	32,7	x	x
шундан, устав капиталли	27	5 805	13	10,9	9	26,5	2	13,1	2	25,8	1	23,6	x	x
01.01.2018 йил ҳолатига														
Жами капитал	28	20 676	7	1,7	5	5,4	6	11,0	3	8,0	4	24,9	3	49,0
шундан, устав капиталли	28	16 307	9	2,4	10	12,1	1	1,8	2	8,8	3	21,2	3	53,7

9-жадвал

Тижорат банкларининг активлар миқдори бўйича гуруҳланиши

(2018 йил 1 январь ҳолатига)

Кўрсаткичлар номи	Жами		Активлар миқдори бўйича гуруҳлаштирилган тижорат банклари тақсимоги						30 трлн. сўмдан юқори**	
	банклар сони	сумма	3 дан 10 трлн. сўмгача		10 дан 30 трлн. сўмгача*		сўмдан юқори**			
			банклар сони	сумма	банклар сони	сумма				
Активлар										
Активлар	28	166 632	16	14 180	8	39 296	3	61 682	1	51 473
Кредитлар, жами	28	110 572	16	7 792	8	21 004	3	46 595	1	35 182
Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар	28	13 600	16	1 170	8	6 942	3	3 598	1	1 890
Юридик шахсларга ажратилган кредитлар	28	96 972	16	6 622	8	14 061	3	42 997	1	33 291
Қисқа муддатли кредитлар	28	4 753	16	468	8	2 591	3	773	1	922
Узоқ муддатли кредитлар	28	105 819	16	7 324	8	18 413	3	45 822	1	34 260
Миллий валютадаги кредитлар	28	41 734	16	6 975	8	17 025	3	11 711	1	6 023
Хорижий валютадаги кредитлар	28	68 838	16	816	8	3 979	3	34 884	1	29 159
Капитал ва молиявий натижалар										
Жами капитал	28	20 676	16	3 114	8	6 173	3	6 582	1	4 807
Капитал етарлилиги кўрсаткичи, фоизда 2017 йил фойдаси	28	18,8%	16	23,7%	8	19,7%	3	16,7%	1	18,5%
Активлар даромадлиги, фоизда	28	1,9%	16	280	8	831	3	416	1	354
Капитал даромадлиги, фоизда	28	17,1%	16	16,5%	8	23,7%	3	12,9%	1	13,7%
Мажбуриятлар										
Аҳоли омонатлари	28	12 122	16	1 451	8	4 972	3	3 170	1	2 529
Юридик шахслар депозитлари	28	46 547	16	7 266	8	16 593	3	13 720	1	8 967

* «Ўзсаноатқурилишбанк», «Асака» банк, «Ипотека-банк»

** Ўзмиллиббанк

10-жадвал

Банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари

млрд. сўм

Асосий кўрсаткичлар	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
Регулятив капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	14,7	18,8
Жами регулятив капитал	8 460,1	19 992,8
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	57 443,8	106 510,9
I даражали капиталнинг таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммасига нисбати, фоизда	12,5	16,5
I даражали капитал	7 179,4	17 627,1
Таваккалчиликни ҳисобга олган ҳолдаги активларнинг умумий суммаси	57 443,8	106 510,9
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитларнинг жами капиталга нисбати, фоизда	2,2	2,9
Захиралар чегирилган ҳолда ҳаракатсиз кредитлар миқдори	194,8	609,6
Жами капитал	8 981,3	20 676,1
Ҳаракатсиз кредитларнинг жами кредитлар миқдорига нисбати, фоизда	0,7	1,2
Ҳаракатсиз кредитлар	391,5	1 324,4
Жами кредитлар миқдори	52 610,5	110 572,1
Активлар рентабеллиги, фоизда	2,0	1,9
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	1 465,2	2 263,0
Жами активлар (мазкур давр учун ўртача)	73 437,5	121 197,4
Капитал рентабеллиги, фоизда	17,9	17,1
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда	1 465,2	2 263,0
Жами капитал ҳажми (мазкур давр учун ўртача)	8 163,1	13 208,5
Фоизли маржанинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	39,5	32,5
Фоизли маржа	2 217,7	3 337,3
Ялпи даромад	5 621,5	10 254,1
Фоизсиз харажатларнинг ялпи даромадга нисбати, фоизда	64,8	59,3
Фоизсиз харажатлар	3 643,7	6 080,4
Ялпи даромад	5 621,5	10 254,1
Ликвид активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	25,4	23,6
Ликвид активлар	21 324,9	39 374,9
Жами активлар	84 075,0	166 631,8
Ликвид активларнинг қисқа муддатли мажбуриятларга нисбати, фоизда	48,4	55,7
Ликвид активлар	21 324,9	39 374,9
Қисқа муддатли мажбуриятлар	44 100,6	70 748,6
Жами капиталнинг жами активларга нисбати, фоизда	10,7	12,4
Жами капитал	8 981,3	20 676,1
Жами активлар	84 075,0	166 631,8

11-жадвал

Банк тизими даромадлилик кўрсаткичлари

млрд. сўм

Банк тизимининг даромад ва харажатлари	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
Фоишли даромадлар	5 293,1	7 960,4
Фоишли харажатлар	3 075,4	4 623,1
Фоишли маржа	2 217,7	3 337,3
Фоишсиз даромадлар	3 403,8	6 916,8
Фоишсиз харажатлар	629,3	1 942,7
Операцион харажатлар	3 014,4	4 137,7
Фоишсиз даромад (зарар)	-239,9	836,5
Кредит ва лизинг бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	438,9	1 631,7
Бошқа активлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш	73,7	279,0
Солиқ тўлангунга қадар соф фойда (зарар)	1 465,2	2 263,0
Фойда солиғини тўлаш харажатлари	311,3	379,7
Фойда бўйича тузатишлар	1,1	2,3
Соф фойда (зарар)	1 152,8	1 881,0

Банк тизимининг даромадлилик кўрсаткичлари	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами активларга нисбати (ROA)	2,00	1,87
Солиқ тўлангунга қадар соф фойданинг жами капиталга нисбати (ROE)	17,95	17,13
Соф фоишли даромадларнинг жами активларга нисбати	2,64	2,00
Кредитлар бўйича олинган соф фоишли даромадларнинг жами кредит қўйилмаларига нисбати	4,26	3,08
Соф фоишли даромадларнинг жами мажбуриятларга нисбати	2,95	2,29
Соф фоишли маржа	3,02	2,75

12-жадвал

Банк тизими бўйича капитал етарлиги кўрсаткичи

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.	
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда
I даражали капитал	7 179,4	84,9	17 627,1	88,2
Асосий капитал	7 133,7	84,3	17 580,3	87,9
Кўшимча капитал	45,6	0,5	46,8	0,2
II даражали капитал	1 280,7	15,1	2 365,7	11,8
Жами регулятив капитал	8 460,1	100,0	19 992,8	100,0
Капитал етарлиги кўрсаткичи, фоизда	14,7		18,8	
I даражали капитал етарлиги кўрсаткичи, фоизда	12,5		16,5	

13-жадвал

Банк тизимининг ликвидлилик кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.
Юқори ликвидли активлар, млрд. сўм	18 606,3	37 775,5
Юқори ликвидли активларнинг жами активларга нисбати, фоизда	22,1	22,7
Жорий ликвидлилик меъёри (минимал талаб - 30 фоиз)	64,4	56,1
Ликвидлиликни қоплаш меъёри (минимал талаб - 90 фоиз)	177,2	225,2
Соф барқарор молиялаштириш меъёри (минимал талаб - 100 фоиз)	102,6	110,6
Лаҳзали ликвидлилик меъёри (минимал талаб - 15 фоиз)	x	40,1

14-жадвал

Тижорат банклари кредит қўйилмаларининг тармоқлар бўйича тақсимооти

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		Ўсиши (камайиши), фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Жами кредитлар	52 611	100,0	110 572	100,0	110,2
Саноат	18 347	34,9	45 223	40,9	146,5
Қишлоқ хўжалиги	3 033	5,8	4 742	4,3	56,3
Қурилиш соҳаси	2 218	4,2	3 424	3,1	54,4
Савдо ва умумий хизмат	4 072	7,7	5 246	4,7	28,8
Транспорт ва коммуникация	7 149	13,6	16 205	14,7	126,7
Уй-жой коммунал хизмати	456	0,9	996	0,9	118,5
Жисмоний шахслар	9 379	17,8	13 600	12,3	45,0
Бошқа соҳалар	7 304	13,9	20 665	18,7	182,9

15-жадвал

Тижрат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар

Асосий йўналишлар	млрд. сўм		
	2016 йилда	2017 йилда	Ўзгариши, фоизда
Барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар, жами	15 870,4	19 564,7	123,3
<i>шундан:</i>			
Ажратилган микрокредитлар	3 326,4	4 015,0	120,7
Оилавий тадбиркорлик ва хунармандчиликни ривожлантиришга	367,2	490,3	133,6
Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга	2 457,2	3 582,2	145,8
Тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлашга	1 646,7	2 782,3	169,0

16-жадвал

**Тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига
ажратилган кредитлар**
(худудлар кесимида)

млрд. сўм

Худудлар номи	2016 йилда	2017 йилда	Ўзгариши, фоизда
Жами	15 870,4	19 564,7	123,3
Қорақалпоғистон Республикаси	648,2	861,4	132,9
Андижон вилояти	1 119,8	1 276,0	113,9
Бухоро вилояти	704,7	834,3	118,4
Жиззах вилояти	454,5	534,1	117,5
Қашқадарё вилояти	916,7	1 120,2	122,2
Навоий вилояти	611,9	695,0	113,6
Наманган вилояти	665,0	855,4	128,6
Самарқанд вилояти	1 219,1	1 413,6	116,0
Сурхондарё вилояти	726,2	859,2	118,3
Сирдарё вилояти	357,6	387,4	108,3
Тошкент вилояти	1 077,2	1 383,2	128,4
Фарғона вилояти	1 068,6	1 274,7	119,3
Хоразм вилояти	647,7	834,4	128,8
Тошкент шаҳри	5 652,9	7 235,7	128,0

17-жадвал

Банк депозитларидаги маблағлар қолдиғи

Сана	Жами	муддат бўйича:				1 йилдан юқори
		Талаб қилиб олингунча	1 кундан 30 кунгача	30 кундан 180 кунгача	180 кундан 365 кунгача	
01.01.2017 й.	37 183	20 459	1 997	6 252	3 776	4 699
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	55,0	5,4	16,8	10,2	12,6
01.01.2018 й.	59 579	31 368	3 231	10 292	9 283	5 404
<i>улуши, фоизда</i>	100,0	52,6	5,4	17,3	15,6	9,1

млрд. сўм

18-жадвал

Пул массаси ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 йил		01.01.2018 йил		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Пул массаси (M2), жами	52 226,2	100,0	73 223,5	100,0	140,2
<i>шу жумладан:</i>					
муомаладаги нақд пуллар (M0)	13 208,7	25,3	19 448,9	26,6	147,2
нақд пулсиз маблағлар	39 017,4	74,7	53 774,6	73,4	137,8
<i>шундан:</i>					
юрidik шахсларнинг маблағлари	30 928,1	59,2	42 777,6	58,4	138,3
жисмоний шахсларнинг маблағлари	8 089,3	15,5	10 997,0	15,0	135,9

19-жадвал

Резерв пуллар ва унинг таркиби

Кўрсаткичлар номи	01.01.2017 йил		01.01.2018 йил		Ўзгариши, фоизда
	млрд. сўм	улуши, фоизда	млрд. сўм	улуши, фоизда	
Резерв пуллар, жами	23 645,8	100,0	31 923,7	100,0	135,0
<i>шу жумладан:</i>					
Марказий банкдан ташқаридаги нақд пуллар	13 255,7	56,1	20 062,5	62,8	151,3
банкларнинг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлари	6 379,3	27,0	6 661,1	20,9	104,4
банкларнинг мажбурий захиралардаги маблағлари	3 910,3	16,5	5 029,4	15,8	128,6
Марказий банк миқозларининг депозитлари	100,5	0,4	170,7	0,5	169,9

20-жадвал

Муомалага чиқарилган нақд пуллар таркиби*

Нақд пуллар номинали	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		Ўзгариши, (+/-)	
	миқдори	улуши, фоизда	миқдори	улуши, фоизда	миқдори	улуши, фоизда
Жами	13 259,9	100,0	20 155,4	100,0	6 895,5	х
Тангалар	7,8	0,06	8,3	0,04	0,5	-0,02
100 сўмгача банкнотлар	17,2	0,13	17,9	0,09	0,7	-0,04
200 сўмлик банкнотлар	36,5	0,28	39,0	0,19	2,5	-0,08
500 сўмлик банкнотлар	606,3	4,57	305,2	1,51	-301,1	-3,06
1 000 сўмлик банкнотлар	6 266,5	47,26	4 565,2	22,65	-1 701,3	-24,61
5 000 сўмлик банкнотлар	6 325,6	47,70	7 387,1	36,65	1 061,5	-11,05
10 000 сўмлик банкнотлар	х	х	5 006,4	24,84	5 006,4	24,84
50 000 сўмлик банкнотлар	х	х	2 826,3	14,02	2 826,3	14,02

млрд. сўм

* Аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар ихтиёридаги ҳамда Марказий банк ва тижорат банклари кассаларидаги нақд пуллар

21 -жадвал

Муомалага чиқарилган нақд пулларнинг сони бўйича таркиби

Банкнотлар номинали	01.01.2017 й.		01.01.2018 й.		Ўзгариши, (+/-)	
	миқдори, млн. дона	улуши, фоизда	миқдори, млн. дона	улуши, фоизда	миқдори, млн. дона	улуши, фоизда
Жами	9 098,8	100,0	7 584,4	100,0	-1 514,4	x
500 сўмгача банкнотлар	1 567,2	17,2	984,7	13,0	-582,5	-4,2
1 000 сўмлик банкнотлар	6 266,5	68,9	4 565,2	60,2	-1 701,3	-8,7
5 000 сўмлик банкнотлар	1 265,1	13,9	1 477,4	19,5	212,3	5,6
10 000 сўмлик банкнотлар	x	x	500,6	6,6	500,6	6,6
50 000 сўмлик банкнотлар	x	x	56,5	0,7	56,5	0,7

22-жадвал

**2016-2017 йилларда юридик шахслар томонидан валюта бозорида
сотиб олинган ва сотилган валюта ҳажми**

млн. АҚШ доллари

Худудлар номи	Сотилган валюта			Сотиб олинган валюта		
	2016 й.	2017 й.	ўзг., фоизда	2016 й.	2017 й.	ўзг., фоизда
Жами	1 555,7	5 060,5	325,3	4 285,2	7 294,8	170,2
Қорақалпоғистон Республикаси	6,8	14,7	216,2	10,1	27,7	274,3
Андижон вилояти	4,5	55,5	1 233,3	795,0	700,3	88,1
Бухоро вилояти	5,9	27,2	461,0	340,6	554,2	162,7
Жиззах вилояти	5,9	13,7	232,2	39,0	34,7	89,0
Қашқадарё вилояти	7,5	54,6	728,0	34,2	65,8	192,4
Навоий вилояти	73,9	142,4	192,7	176,3	275,7	156,4
Наманган вилояти	23,4	25,1	107,3	22,8	80,3	352,2
Самарқанд вилояти	11,1	41,1	370,3	174,5	273,1	156,5
Сурхондарё вилояти	2,1	23,3	1 109,5	15,9	57,8	363,5
Сирдарё вилояти	54,2	9,2	17,0	17,8	30,4	170,8
Тошкент вилояти	216,7	262,5	121,1	310,2	465,9	150,2
Фарғона вилояти	5,2	96,4	1 853,8	154,4	324,4	210,1
Хоразм вилояти	2,3	14,6	634,8	34,0	47,6	140,0
Тошкент шаҳри	1 136,2	4 280,2	376,7	2 160,4	4 356,9	201,7

23-жадвал

**Юридик шахслар томонидан амалга оширилган валюта
савдоларининг ўртача бир ойлик ҳажми**

млн. АҚШ доллари

Худудлар номи	I ярим йилликда ўртача бир ойда (2017 йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида)		Валюта бозори эркинлаштирилгандан сўнг ўртача бир ойда (2017 йилнинг сентябрь-декабрь ойлари мобайнида)	
	Сотиб олинган валюта	Сотилган валюта	Сотиб олинган валюта	Сотилган валюта
Жами	461,5	172,0	740,8	740,3
Қорақалпоғистон Республикаси	2,2	0,1	1,8	1,2
Андижон вилояти	47,8	1,5	75,3	6,6
Бухоро вилояти	42,0	0,4	56,8	3,8
Жиззах вилояти	0,9		5,3	1,8
Қашқадарё вилояти	4,0	2,2	4,6	3,3
Навоий вилояти	16,3	9,2	30,5	8,3
Наманган вилояти	3,6	0,1	9,9	3,2
Самарқанд вилояти	22,3	0,7	16,3	5,3
Сирдарё вилояти	2,5	0,0	3,0	1,1
Сурхондарё вилояти	6,4	1,1	1,7	1,6
Тошкент вилояти	41,0	18,3	37,0	17,0
Фарғона вилояти	14,6	1,8	44,8	11,1
Хоразм вилояти	3,4	0,2	4,9	1,8
Тошкент шаҳри	254,5	136,4	448,9	674,2

24-жадвал

Муомалага чиқарилган банк пластик карталари сони

Худудлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	Ўзгариши, фоизда
Жами	19 523 343	19 225 702	98,5
Қорақалпоғистон Республикаси	1 081 742	1 044 616	96,6
Андижон вилояти	1 363 241	1 321 893	97,0
Бухоро вилояти	1 167 018	1 138 078	97,5
Жиззах вилояти	626 872	571 029	91,1
Қашқадарё вилояти	1 623 364	1 580 238	97,3
Навоий вилояти	796 118	783 814	98,5
Наманган вилояти	1 215 927	1 129 081	92,9
Самарқанд вилояти	1 648 899	1 582 080	95,9
Сурхондарё вилояти	1 190 859	1 169 181	98,2
Сирдарё вилояти	516 219	492 835	95,5
Тошкент вилояти	1 275 785	1 209 115	94,8
Фарғона вилояти	1 763 907	1 608 763	91,2
Хоразм вилояти	875 980	833 123	95,1
Тошкент шаҳри	4 377 412	4 761 856	108,8

25-жадвал

Ўрнатилган тўлов терминаллари сони

Худудлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	Ўзгариши, фоизда
Жами	208 536	235 712	113,0
Қорақалпоғистон Республикаси	11 925	13 405	112,4
Андижон вилояти	15 310	16 997	111,0
Бухоро вилояти	15 109	16 455	108,9
Жиззах вилояти	8 055	8 191	101,7
Қашқадарё вилояти	14 698	16 708	113,7
Навоий вилояти	9 147	10 250	112,1
Наманган вилояти	12 057	13 199	109,5
Самарқанд вилояти	16 394	18 292	111,6
Сурхондарё вилояти	11 473	12 510	109,0
Сирдарё вилояти	5 899	6 610	112,1
Тошкент вилояти	18 248	21 741	119,1
Фарғона вилояти	18 559	20 741	111,8
Хоразм вилояти	10 401	11 992	115,3
Тошкент шаҳри	41 261	48 621	117,8

26-жадвал

Ўрнатилган банкомат ва инфокиосклар сони

Худудлар номи	01.01.2017 й.	01.01.2018 й.	Ўзгариши, фоизда
Жами	4 954	5 632	113,7
Қорақалпоғистон Республикаси	114	149	130,7
Андижон вилояти	189	208	110,1
Бухоро вилояти	249	290	116,5
Жиззах вилояти	61	73	119,7
Қашқадарё вилояти	100	122	122,0
Навоий вилояти	119	132	110,9
Наманган вилояти	252	277	109,9
Самарқанд вилояти	285	340	119,3
Сурхондарё вилояти	269	288	107,1
Сирдарё вилояти	47	84	178,7
Тошкент вилояти	127	165	129,9
Фарғона вилояти	421	495	117,6
Хоразм вилояти	112	145	129,5
Тошкент шаҳри	2 609	2 864	109,8

27-жадвал

**Тўлов терминаллари орқали амалга оширилган тўловлар
суммаси**

млрд. сўм

Худудлар номи	2016 йил давомида	2017 йил давомида	Ўзгариши, фоизда
Жами	53 050,1	52 972,3	99,9
Қорақалпоғистон Республикаси	2 534,6	2 579,0	101,8
Андижон вилояти	3 411,1	3 114,0	91,3
Бухоро вилояти	3 248,5	3 017,8	92,9
Жиззах вилояти	1 386,4	1 278,1	92,2
Қашқадарё вилояти	3 543,9	3 093,7	87,3
Навобий вилояти	2 078,7	2 046,4	98,4
Наманган вилояти	2 936,7	2 558,0	87,1
Самарқанд вилояти	4 004,0	3 347,8	83,6
Сурхондарё вилояти	2 424,2	2 063,0	85,1
Сирдарё вилояти	1 015,7	1 012,2	99,7
Тошкент вилояти	4 552,9	4 793,7	105,3
Фарғона вилояти	4 367,9	3 891,0	89,1
Хоразм вилояти	2 150,0	2 311,1	107,5
Тошкент шаҳри	15 395,6	17 866,5	116,0

